Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бундан буён ҳам ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ғоясини илгари суришда давом этади

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 45 (1005) ● 2014-yil, 7-noyabr, juma

## «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Ҳурматли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда юртимиздаги барча темирйўл ходимларини мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон темир йўллари ўзининг 20 йиллик тарихи давомида мураккаб шаклланиш ва жадал ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг барча минтақаларини ишончли боғлаш учун бамисоли қон томирлари каби ҳаётий зарур бўлган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Агарки мана шундай темир йўллар бўлмаса, биз қандай ҳаёт кечиришимиз, иқтисодиётимизни қандай ривожлантириш мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўларди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Маълумки, қадим замонлардан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон замини бўйлаб Буюк ипак йўли ўтган ва бу ҳудудда кўплаб савдо йўналишлари туташган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари амалга оширилган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган салмоқли транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Мамлакатимизда темир йўл транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, темир йўл ташувларининг ишончлилик ва хавфсизлик даражасини ошириш бўйича "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси томонидан олиб борилаётган ишларни алоҳида қайд этиш зарур. Кейинги йилларда темирйўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан 1 минг 100 километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1000 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Ана шундай катта ишларимиз натижасида темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар республикамизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий — Учқудуқ-Нукус — Султон Увайстоғ ва Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизни узоқ истиқболни кўзлаган ҳолда, барқарор ривожлантириш йўлида стратегик аҳамиятга эгадир.

Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки иштирокида мураккаб табиий ва иқлим шароитларида барпо этилган, денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликда жойлашган тоғ довони орқали ўтадиган 223 километр узунликдаги Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўли моҳият эътибори билан Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган ноёб иншоот ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл тармоқларини электрлаштириш борасидаги ишлар ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий минтақаларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларнинг бой конларини комплекс ўзлаштириш учун, ҳеч шубҳасиз, катта имкониятлар очади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини шакллантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларимизнинг даромадлари ва моддий фаровонлигини ошириш учун шароит яратишга қандай муҳим ҳисса қўшишини, ўйлайманки, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Биз транспорт коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот, яъни, 19 километрлик темир йўл тоннелини ўз ичига оладиган Ангрен — Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғини хитойлик ҳамкорларимиз билан биргаликда барпо этишга катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қарамоқдамиз.

Ушбу темир йўл тармоғининг 2016 йил июль ойида ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг марказий қисми билан ишончли тарзда боғлашга имкон яратади, республикамизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказади, Хитой — Марказий Осиё — Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Транспорт хизматларининг даражаси ва сифатини оширишда темир йўл паркининг ҳаракатланадиган таркибини энг замонавий, юксак самарали локомотивлар ва ҳар томонлама қулай вагонлар билан янгилаш бўйича ишлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина сўнгги ўн йилда 38 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташиш тепловози сотиб олинди, 150 та локомотив модернизация қилинди.

2➢













## Ижтимоий адолат, қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари учун курашамиз

### Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг VI Қурултойи бўлиб ўтди

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, Сиёсий Кенгаш, Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қурултойда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаровнинг "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг фаолияти ҳисоботи ва янги босқичда партия вазифалари тўғрисида"ги маърузаси тингланди. Маърузада 2010-2014 йиллардаги ҳисобот даврида партия дастуридаги устувор йўналишларнинг бажарилиши таҳлил этилди.

2-3➢

## Сўз Қурултой иштирокчиларига

**Тўлқин АБДУСАТТОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси:**



— Сайловлар — фуқароларнинг бевосита ва ўз вакиллари орқали давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқи. Шу нуқтаи назардан бўлажак сайловларда муносиб қатнашиш, халқнинг ишончини қозониш, бевосита Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямизнинг ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик корпусининг 2010-2014 йиллардаги фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Таъкидлаш лозимки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз томонидан ўтган беш йилликда суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг турли ижтимоий қатламларининг турмуш сифати ва даражасини ошириш, қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида ушбу давр мобайнида қабул қилинган 300 дан ортиқ қонун ҳужжатларида партия электорати манфаатлари ифода этилди. Юқорида қайд этилган соҳаларни янада такомиллаштириш мақсадида 10 дан ортиқ қонунлар фракциямиз ташаббуси билан қабул қилинди.

Шунингдек, партия Сиёсий Кенгаши билан ҳамкорликда Сайловолди дастуримизда белгиланган йўналишлар доирасида қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, атроф-муҳит ва экологияни ҳимоялаш каби долзарб масалаларга бағишланган лойиҳалар ҳаётга изчил татбиқ этилди. Ушбу лойиҳалар жойлардаги ҳудудий дастурларга таклиф киритишда, маҳаллий Кенгашлар сессияларига партия депутатлик гуруҳлари томонидан масала киритишда ҳамда соҳалардаги ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаб, қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда асос бўлиб хизмат қилди.

Айни пайтда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш борасида парламент депутатларига яратиб берилган шарт-шароитлардан, имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади. Хусусан, ҳисобот йилларида ўтказилган учрашув тадбирларида баъзи камчиликларга йўл қўйилди. Масалан, тадбирлар маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситаларида етарлича ёритилмади. Шунингдек, учрашувлар давомида сайловчиларнинг кўплаб саволлари очиқ қолди. Бунга сабаб эса, тадбирларда мутасадди ташкилот вакилларининг иштироки тўлиқ таъминланмагани бўлди.

Бугунги Қурултой олдимизда турган галдаги вазифаларни ҳамда электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишга доир долзарб масалалар юзасидан аниқ позициямизни қатъий белгилаб олиш имконини берди.

3➢

**➢ Фракция йиғилиши**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида қуйи палата ялпи мажлиси кун тартибига киритилаётган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

## Янги қонунлар

### мамлакат тараққиёти учун хизмат қилади

Дастлаб, депутатлар **"Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар. Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси, фракция аъзоси **Анвар Сулаймонов**нинг таъкидлашича, мазкур қонун лойиҳаси такомиллаштирилишида биринчи ўқиш олдидан ўтказилган муҳокамаларда фракция томонидан илгари сурилган таклиф ва тавсиялар инобатга олинган бўлиб, таҳририй ўзгартиришлар натижасида айрим бандлар матни қисқартирилган.

4➢

**Дастурий ғояларнинг амалий мактаби**
ёки партиявий назорат тиббиётда кафолатли хизматни таъминлашга йўналтирилаётгани хусусида 5

**Ижтимоий шериклик:**
ННТлар ҳуқуқлари оширилмоқда 6

ADOLAT
№ 45
2014-yil
7-noyabr

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Давоми. Боши 1-бетда

Испаниянинг "Талго" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, замонавий, юқори тезликда ҳаракатланадиган "Афросиёб" электропоезди Ўзбекистоннинг ғурур-ифтихори ҳисобланади. Шуни айтиш жоизки, бундай поездлар дунёнинг атиги саккизта мамлакатида мавжуд. Бугунги кунда ушбу поезд ҳар куни Тошкент — Самарқанд — Тошкент йўналиши бўйича 344 километрлик масофани бор-йўғи икки соатда босиб ўтмоқда. Бу эса одамларимизнинг ана шу транспорт турига бўлган муносабати ва қарашларини тубдан ўзгартирмоқда.

Юртимизда 11 та янги темир йўл вокзали барпо этилиши ва 7 та вокзалнинг реконструкция қилиниши натижасида улар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мазкур вокзаллар йўловчиларга энг юқори халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганини қайд этиш лозим.

Ўтган йиллар мобайнида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва тегишли инфратузилмаларни ободонлаштиришга 6 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 1,8 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Компаниянинг йўл хўжалиги, "Ўзтемирйўлйўловчи" очиқ акциядорлик жамияти йўловчилар ташиш бўлинмаси ва "Ўзтемирйўлконтейнер" юк ташиш тузилмаси, шунингдек, қурилиш ташкилотлари ва бошқа таркибий қисмлари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Компания ташкил этилган кундан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш эса 1,3 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1 миллиард 400 миллион тонна юк ташилгани ва 350 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани унинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи, Қуюв-механика заводи, "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонаси каби саноат корхоналари ҳақли равишда компаниянинг байроқдорлари ва ифтихори ҳисобланади. Улар Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари ва бошқа етакчи хорижий компанияларнинг замонавий асбоб-ускуналари ва янги авлод технологик тармоқлари билан жиҳозлангани айниқса эътиборлидир.

Мазкур корхоналарда локомотив ва йўловчи вагонларини таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари, қисқа вақт ичида ўзимизнинг вагонсозлик саноатимизга муваффақиятли асос солинди ва бу ерда 2,5 мингта юк ва 150 та янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 та йўловчи вагонлари модернизация қилинди.

Ўз таркибида юқори малакали 70 минг нафар инженер-техник ходимлар ва мутахассисларни, йўлсозлар, машинистлар, саноат ва қурилиш корхоналари, ижтимоий инфратузилма объектларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштирган аҳил меҳнат жамоаси компаниянинг бебаҳо бойлиги, олтин фонди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, билим ва тажрибангиз халқимиз орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлиб, ҳар томонлама ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Барчамизга аёнки, компаниянинг, бутун темирйўл тармоғининг келажаги аввало соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассис ва ишчиларни кенг жалб этиш билан бевосита боғлиқдир. Юртимиздаги олтита касб-ҳунар коллежи ва Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтини ҳар йили уч мингдан зиёд ёш мутахассислар аниқ касб йўналиши бўйича битириб чиқиб, ҳаётга йўлланма олаётгани мамлакатимиз темирйўл транспортининг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда темирйўлчилик касби мамлакатимизда ёшлар ўртасида қизиқиш ва талаб энг катта бўлган, шарафли касбга айланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равнақи ва фаровонлигига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдириб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман. Сизларга ва оилаларингизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# Ижтимоий адолат,

Давоми. Боши 1-бетда



Партиянинг мафкуравий, ташкилий-кадрлар соҳасидаги ва парламент қуйи палатасидаги фракцияси фаолияти натижалари сарҳисоб қилинди. Шунингдек, партия фаолиятининг қатор йўналишлари танқидий таҳлил этилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ишидаги мавжуд камчиликлар қайд қилиниб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Эътироф этилганидек, 2010 йил 12 ноябрида бўлиб ўтган парламент палаталарининг қўшма йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" асосида Конституциямиз ва миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар самараси ўлароқ, жорий йилги сайловлар мутлақо янгича шароитларда бўлиб ўтади. Мамлакатни демократлаштириш ва сиёсий жиҳатдан модернизациялашнинг янги босқичига ўтилганлиги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фаолиятида ҳам ўз аксини топди ва айни пайтда янгича шароитларда бўлиб ўтадиган ушбу сиёсий тадбирга партия қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Ўтган даврда, энг аввало, ҳам марказий органларнинг, ҳам вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг, маҳаллий партия кенгашларининг иш режаси амалиёти қайта кўриб чиқилди. Партия амалий ишларини "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" ғояси акс этган Сайловолди дастурига боғлиқ жараёнларга, партиявий-сиёсий ишларга қаратишга, партия ишларига жамоатчилик тузилмаларини — партиянинг аёллар ва ёшлар қанотларини, биринчи навбатда, барча депутатлик корпусини жалб этишга ҳаракат қилинди.

Ҳисобот даврида партия Сиёсий Кенгашининг 13 та Пленуми ўтказилди, уларда фаолиятимизнинг турли соҳалари бўйича 46 та қарор қабул қилинди. Амалий ишларнинг 15 та дастур ва режалари тасдиқланди.

Партия таркибларининг изчил ва аниқ фаолият юритиши, аҳоли ўртасида партиянинг танилиши ва обрў-эътиборга эга бўлиши, энг аввало, кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Шу сабабли Сиёсий Кенгаш партия ходимларининг кадрлар таркибини мустаҳкамлаш масаласига доимий эътибор қаратиб келмоқда.

Маърузада таъкидланганидек, ўтган даврда партия томонидан кадрлар малакасини, билимини, партия аъзолари ва сайловчилар билан ишлаш салоҳиятини оширишга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ташаббусига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамда туман ва шаҳар кенгашлари раислари учун минтақавий ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Ўқув жараёни бошланғич партия ташкилотларини ҳам қамраб олди, бу билан партия кадрларини ўқитишнинг мукаммал тизими яратилди.

Шунингдек, Қурултойда партия кадрлари малакасини, билимини, партия аъзолари ва сайловчилар билан ишлаш салоҳиятини ошириш муаммоси ҳамон кун тартибида турган тилга олинди. Қайд этилганидек, истиқболли кадрларни аниқлаш, уларнинг имкониятларини ўрганиш, партияга жалб этиш ва биргаликда турли тадбирлар ўтказиш жараёни доимо янги мазмун билан такомиллашиб, ривожланиб бориши даркор. Кадрларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ташкилотчилиги, масъулияти ва интизомини ошириш билан бир қаторда ташаббускор ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга эътибор қаратилди.



Ташкилий-партиявий ишлар даражасини мунтазам ошириб бориш билан бир қаторда партиянинг Сайловолди дастурида "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" ғояси билан белгиланган сайловолди мажбуриятларини партия электоратига мафкуравий жиҳатдан таъсир кўрсатиш, тарғибот-ташвиқот, маънавий, тарбиявий ишларни ривожлантириш орқали бажариш бўйича саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Натижада Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси бугунги кунда 102 188 аъзога, мамлакатнинг барча ҳудудларида 3237 та бошланғич партия ташкилотига, парламент ва ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларида депутатлик гуруҳларига эга бўлган сиёсий кучга айланди.

Ҳисобот даврида партия саъй-ҳаракатлари партиянинг қуйидан тортиб юқори бўғинигача бўлган барча ташкилотларини қамраб олувчи йирик мафкуравий акцияларни уюштиришга йўналтирилди. Улар жумласига республика миқёсида "Мадад" суғурта компанияси билан ҳамкорликда ўтказилган "Энг яхши ижтимоий бизнес-ғоя" акциясини, "Ўзбекэнерго" ДАК иштирокида ташкил қилинган "Муқобил энергиянинг — энг фаол тарғиботчиси" танловини, қатор ички партиявий кўрик-танловларни, масалан, "Партиянинг оқила аёли", ҳудудий партия кенгашлари журналистлари ўртасида ўтказилган "Энг яхши матбуот котиби" ва бошқа танловларни киритиш мумкин.



Муҳими, улар анъанавий тус олди. "Энг яхши партия ташкилоти" республика кўрик-танлови эса партиявий-сиёсий ишларни юксалтиришга хизмат қилди.

Сиёсий партиялар орасида биринчи бўлиб партиянинг дастурий ғояларидан келиб чиққан долзарб масалалар бўйича минтақавий партия тузилмалари билан видеоконференция ва телекўприклар ўтказиш тажрибаси шакллантирилди. Ўз навбатида, партия Сиёсий Кенгашининг бу йўналишдаги ташаббуслари амалда барча ҳудудий партия ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди ва мазмунан тўлдирилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, анжуманда партиянинг таянч бўғини саналган бошланғич ташкилотлар фаолияти алоҳида таҳлил этилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида бошланғич партия ташкилотларининг ижтимоий ҳаётда партия таъсир доирасини кенгайтиришдаги ролини ҳисобга олган ҳолда партия Сиёсий Кенгаши қатор амалий ишларга қўл урди.

Аввало, партия Сиёсий Кенгашининг X Пленуми қарорига мувофиқ, йирик ташкилий-партиявий ва мафкуравий акцияларни ўтказиш, шу билан бирга, партия органлари ишидаги камчиликлар ва узилишларни аниқлашнинг комплекс механизмларини қўллаш, уларни бартараф этиш ва келгусида такрорланишига йўл қўймаслик учун таклифлар йиғишга қарор қилинди.

Шу мақсадда партия тарихида биринчи марта 2013 йилда бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот сайловлари, Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳудудий, туман ва шаҳар кенгашларининг кенгайтирилган оралиқ ҳисобот Пленумлари ўтказилди. Мазкур кенг кўламли ташкилий-партиявий тадбирлар жараёнида барча даражадаги партия тизимлари, хусусан, бошланғич ташкилот-

# Носиржон АЛИМАРДОНОВ: «Фидойи сафдошлар партия

➢ **Қурултой делегатлари**

Ўзбекистон "Адолат" СДП VI Қурултойи партия фаоли, "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари Носиржон Алимардоновнинг ҳаётида катта воқеа бўлди.

— Партиямизнинг бундай олий анжуманида илк бор иштирок этишим, — дейди сафдошимиз ўз қувончини биз билан баҳам кўриб. — Унда ҳар бир делегатнинг партия фаолиятига дахлдорлик ҳисси сезилиб турди.

Масалаларга холисона ёндашув ўз ҳаётини бу сиёсий куч билан боғлаган маслакдошларимизнинг партия тақдирига бефарқ эмаслигини кўрсатди. Зеро, бу янги ҳаёт, бугунги кун тақозосидир. Партия томонидан икки Қурултой оралиғида Сайловолди дастури асосида сафларни сон ва сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатлар, янги лойиҳа ва ташаббуслар бугун ўз самарасини бермоқда.

Дарҳақиқат, партиямизнинг VI Қурултойи амалий таклиф ва мулоҳазаларга бой бўлганлиги, ўзини ўзи танқид руҳида ўтганлиги билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Унда эришилган ютуқлар билан бирга бой берилган имкониятлар ҳам тилга олинди. Олдинги хато ва камчиликлардан жиддий хулосалар чиқариб, кўзланган мақсад сари дадил интилиш ва муваффақиятларни кўпайтириш, фаолликни ошириш нафақат партия ташкилотлари, балки барча аъзоларнинг муҳим вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилди. Бир сўз билан айтганда, партиянинг олий анжумани сиёсий куч фаолиятида янги даврни бошлаб беради. Унда белгиланган вазифалар ғоят салмоқли ва долзарблиги билан эътиборни тортади. Айниқса, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг янгиланган Устави ва Сайловолди дастури сафдошларимизнинг кенг қамровли фаолиятига мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади.

— Партиянинг янги таҳрирдаги Устави жиддий ёндашув ва изланишлар самараси ўлароқ юзага келди, — дейди ўз сўзини давом эттириб Носиржон Алимардонов. — Унинг ихчамлаштирилиб, янги ўзгартиришлар билан тўлдирилиши оқибатида кўплаб масалалар ойдинлашди. Жумладан, авваллари партия электорати ҳақида аниқ фикрларни дадил айта олмас эдик. Янги Уставда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси электорати аниқ кўрсатиб ўтилган. Яъни, малакали мутахассислар, бюджет соҳаси ходимлари, педагоглар, шифокорлар, инженер-техник ва илм-фан вакиллари, хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнаткашлари партиямиз электорати экани белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, Уставда "Адолат" СДПга аъзо бўлиш тартибининг бирмунча соддалаштирилганлиги, ҳудудий ва маҳаллий партия кенгашлари ижроия қўмиталарига қўшимча ваколатлар берилганлиги, партия аъзолари ҳуқуқларининг кенгайтирилганлиги, Сиёсий Кенгаш раиси ваколатлари бирмунча аниқлаштирилгани партиявий фаолиятда янгича ёндашувларнинг юзага келаётганини кўрсатиб турибди. Партиянинг Сайловолди дастури хусусида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. "Адолат" СДПнинг "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" ғоясига йўғрилган, бизни чинакам халқ иши, Ватан тараққиёти учун хизмат қилишга руҳлантираётган бу дастур ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Уни ишлаб чиқишда партия фаоллари, республикамиздаги таниқли олимлар, йирик мутахассис ва экспертларнинг кўп меҳнат қилишди. Шу билан бирга, бу дастурда ҳудудий партия ташкилотларидан тушган таклиф ва тавсияларнинг ҳам инобатга олинганлиги унинг залворини янада оширган. "Адолат" СДПнинг Устави, партиянинг шу пайтга қадар қабул қилинган барча асосий дастур ва платформалари, хусусан, 2009 йилги парламент сайловлари олдидан қабул қилинган "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони" номли сайловолди платформасини кейинги бир йил мобайнида танқидий ўрганиш натижасида ишлаб чиқилган бу дастур социал-демократик ғояларга ҳамоҳанглиги билан эътиборни тортади.



Бизнинг танлаган йўлимиз — адолат йўли. Ўзбекистон сиёсий майдонида бўй кўрсатаётган бу сиёсий кучнинг ғоялари — бизнинг ғоямиз, танлаган йўли — бизнинг йўлимиздир. Қурултой фаолиятимизни чуқур таҳлил этиб, олдимизда турган барча долзарб вазифаларни қатъий белгилиб берди. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига шу йилнинг 21 де-

# Қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари учун курашамиз

лар фаолиятида тўпланиб қолган муаммолар аниқланди.

Партия фаолларига кўмак тариқасида бошланғич партия ташкилоти фаолияти регламенти ишлаб чиқилди, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга оид Концепция қабул қилинди, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларига сайлов округлари чегарасида БПТларни ташкил қилишга келишиб олинди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг минтақавий бўлинмалари билан ҳамкорликда БПТ котиблари учун ўқув-семинарлар ўтказилди, уларда партиявий фаолиятни такомиллаштириш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди, қабул қилинди. Партия тизимида "Бошланғич партия ташкилоти



йили", деб эълон қилинган жорий 2014 йилда қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Бироқ, шунга қарамай, бу борада партия олдига қўйилган мақсадлар тўлиқ амалга ошаяпти, деб бўлмайди.

Биринчи галда лаёқатли депутатлик корпусини сайлаш бўйича сайлов кампанияси ўтказиш ва ташкил қилиш билан боғлиқ мақсадларга бошланғич партия ташкилотлари, уларнинг етакчилари ва фаолларининг жонкуярлигисиз эришиб бўлмайди.

Партия раҳбарининг маърузасида, шунингдек, "Адолат" СДП тузилмаларининг хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш борасида эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларига холисона баҳо берилди. Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, жаҳон ҳамжамиятида рўй бераётган ўзгаришларга мос равишда партиянинг хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ташаббус ва қобилиятларини қўллаб-қувватлашда бугунги замон талабларидан келиб чиқиб ёндашиш зарурлиги қайд этилди.

Партия ташкилотларининг ОАВ билан ишлаш борасидаги камчиликлари, партия веб-сайти ва расмий нашри "Адолат" газетасида партия дастурий ғояларини, депутатлар ҳамда бошқа тузилмаларнинг фаолиятини тарғиб қилишнинг бугунги ҳолати ва истиқболига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, Қурултойда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси фаолияти ҳам таҳлил қилинди.

Анжуманда эътироф этилганидек, ўтган даврда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватловчи ва соғлиқни сақлаш, фан, таълим, суд-ҳуқуқ тизимларини мустаҳкамловчи қатор қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишида фаоллик кўрсатди.

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари С.Турсунов ўз маърузасида батафсил тўхталиб ўтар экан, ўтган даврда фракция депутатлари фаолияти сифат жиҳатдан мустаҳкамланганини таъкидлади. Партия Сиёсий Кенгаши билан ҳамкорликда Сайловолди дастурида белгиланган 9 та йўналиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларга депутатларнинг масъул этиб бириктирилганлиги ўз самарасини берди. Ушбу лойиҳалар жойлардаги ҳудудий дастурларга таклиф киритишда, маҳаллий Кенгашлар сессияларига партия депутатлик гуруҳлари томонидан масала киритишда ҳамда соҳалардаги ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаб, қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда асос бўлиб хизмат қилди. Ўз навбатида, анжуманда фракция фаолиятида учраган камчиликлар ҳам рўй-рост айтилиб, келгуси беш йилликда бу камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Қурултойда сўз олганларнинг маъруза ва чиқишларида асосий эътибор партиянинг қонунчилик ва вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлиги, барча даражадаги сайлов штаблари фаолияти самарадорлиги, электорат билан самарали ишлаш масалаларига қаратилди.

Делегатлар партиянинг давлат ҳокимияти қонунчилик ва вакиллик органларига бўлажак сайловларда фаол иштирок этиши бўйича устувор вазифаларни белгилади. Қурултой делегатлари мамлакатни демократлаштириш ва янгилаш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича долзарб вазифаларни ҳал этишда "Адолат" социал-демократик партиясининг ўрни ва роли белгиланган "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун" деб номланган Сайловолди дастурининг асосий қоидаларини



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат

кўриб чиқдилар.

Ушбу масала юзасидан муҳокамага чиққанлар навбатдаги сайловлар олдидан ишлаб чиқилган Сайловолди дастурининг аввалгисидан фарқли жиҳатларига тўхталиб, янги босқичда барча йўналишлар бўйича партия олдига қўйилаётган вазифаларга батафсил баҳо берилди. Янги Сайловолди дастурининг содда ва равон тилда ёзилгани, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг бошқа партиялардан ажралиб турадиган нуқтаи назари ва позицияси аниқ ифодалангани эътироф этилиб, дастур делегатлар томонидан тасдиқланди.

Қурултойда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддаси меъёрларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар муҳокама қилинди ва маъқулланди. Партияда ўзининг аниқ ва қатъий позициясига эга, қонун ва жамият олдида юксак масъулиятни чуқур ҳис этадиган, сайловчилар орасида обрў-эътиборли, сайловда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси учун овоз берган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қодир муносиб номзодлар жуда кўпчиликни ташкил этиши эътироф этилди. Партия олдида турган энг муҳим вазифа — бўлажак сайловларни сифатли ўтказиш ва унда барча даражадаги ҳокимиятнинг вакиллик органларидан ўз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун имкон даражасида кўп ўринларни қўлга киритишга эришиш эканлиги белгиланди.

Қурултойда, шунингдек, партиянинг олий органи ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Сиёсий Кенгаш ва Марказий Тафтиш комиссиясининг янги аъзолари сайланди. Партиянинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқланди.

Қурултой якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил қилинди. Унда анжуманда кўрилган масалалар ва партиянинг сайлов жараёнларига тайёргарлик ишлари тўғрисида журналистларга маълумотлар тақдим этилди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

## Сўз Қурултой иштирокчиларига

**Гавҳар АЛИМОВА,**
**Ўзбекистон "Маҳалла" жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари:**



*— Бугун ўтган даврда йўл қўйган камчиликларимиз холисона таҳлил қилинди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ишидаги мавжуд камчиликлар қайд қилиниб, уларни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилди.*

*Ўз навбатида, янги Сайловолди дастуримиз орқали электоратимиз манфаатлари йўлидаги мақсад-вазифаларимиз, бошқа сиёсий рақобатчиларимиздан ажралиб турадиган аниқ позициямиз қатъий белгилаб олинди.*

*Жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш, фаолиятимизнинг устувор йўналиши бўлган ижтимоий масалаларни ҳал этиш, энг муҳими, "Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони, адолат — ҳар бир инсон учун!" деб номланган янги Сайловолди дастуримизни ҳаётга кенг татбиқ қилиш олдимизга қўйилаётган устувор вазифалар сифатида эътироф этилди.*

*Янги Сайловолди дастуримизда белгиланган вазифалар ҳақида гап кетганда, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, партия фаоллари томонидан ўтган сайловолди дастурларида фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий таркибий қисми бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонунлар қабул қилинишида фаол иштирок этди. Қатор қонун ости ҳужжатлари қабул қилиниб, фуқаролар йиғинлари фаолияти янги босқичга кўтарилди.*

*Шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, "Оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлиги" механизмини кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлар, учрашувлар, конференцияларнинг ўтказилганлиги маҳалла фаолларининг иш фаолиятини такомиллаштиришда ўзининг самарасини бермоқда.*

*Партия келгусида ҳам фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ижтимоий соҳага оид масалаларда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла институтини такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясида маҳалланинг аҳамияти ва таъсирини янада кучайтиришга қаратилган дастурларни амалга оширишда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўз олдига мақсад қилиб белгилаганлиги аҳамиятлидир.*

**Виктория ЦАРЁВА,**
**Тошкент шаҳар эндокринология диспансери бош шифокори:**



*— Қурултойда партиямиз янги Сайловолди дастурининг энг устувор йўналишлари бирма-бир таҳлил этилди. Маълумки, партиямиз ўтган ҳисобот даврида ҳам соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш тарафдори сифатида қатор ташаббус ва амалий лойиҳаларга қўл урди.*

*Хусусан, партия "Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит" лойиҳаси доирасида мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Амалиётда ўзини тўла оқлаётган ушбу долзарб масалага янада чуқурроқ эътибор қаратиш, ҳудудларни кенгроқ қамраган ҳолда болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини кучайтиришга қаратилган амалий лойиҳаларни изчил давом эттиришни партия ўз олдига мақсад қилиб қўяётганини бизни мамнун этади, албатта.*

*Қолаверса, партиямиз мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг тарафдори сифатида скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий такомиллаштириб бориш масалаларини ҳам илгари сураётгани соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга дахлдор ҳеч бир масала эътибордан четда қолмаётганидан далолатдир.*

**Сайёра АЙХОДЖАЕВА,**
**партиянинг Ёшлар билан ишлаш бўлими фаоли:**



*— Мустақил нуқтаи назари ва позициясига эга инсон борки, эл-юрт манфаати йўлида доимо изланишга, ўзига муносиб иш ўрнига эга бўлишга, етук мутахассис сифатида ўзи ва атрофидагиларга наф келтиришга интилади. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ана шундай изланувчан, ҳаракатчан фуқароларни, айниқса, ўсиб келаётган янги авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш ғоясини илгари сурар экан, бунинг учун, энг аввало, давлат олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласига эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида қайд этилган.*

*Қурултойда муҳокама қилинган ва тасдиқланган янги Сайловолди дастурида бу борадаги мақсадни амалга оширишнинг аниқ механизми, вазифалари белгилаб берилгани, биз, ёш аъзоларнинг партиямизга бўлган ишончимизни янада ошириши, табиий. Хусусан, дастурда олий ўқув юртларининг инновацион инфратузилмасини кучайтириш, уларнинг базасида тажриба ва экспериментал ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ўқитувчилар ва ходимларнинг инновацион фаоллигини ошириш, шу билан бирга докторлик диссертациясини ёқлаган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, уларга тадқиқот ва изланишлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш учун докторликдан кейинги грантлар тақдим этиш каби вазифалар меҳнат бозори талабига ҳар томонлама жавоб берувчи мутахассис тайёрланишида муҳим аҳамият касб этади.*

*Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишда аниқ инновацион чора-тадбирлари билан сиёсий майдонда ўз ўрнига эга бўлган партия вакили эканлигимдан ғурурланаман ва партия томонидан илгари сурилаётган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда ўз ҳиссамни қўшишга бор куч-ғайратимни сафарбар қиламан.*

**Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА,**
**партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бўлим мудири:**



*— Бугун ҳисобот давридаги тарғибот-ташвиқот ишларимизга танқидий баҳо берилиб, келажакдаги мақсад-вазифаларимиз ҳақида аниқ ва равшан мулоҳазалар билдирилди.*

*Шу ўринда таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда фаол иштирок этиб, аҳолининг кенг қатлами орасида ўзининг нуфузини оширишга, сиёсий майдонда ўзига хосликка эришишга интилмоқда.*

*Биз учун энг асосийси — аёлнинг жамиятдаги мавкеи ва ролини ошириш. Ушбу мақсадда партия "Аёллар қаноти" кенгашларининг эътиборини хотин-қизларнинг сиёсий ҳаётга кириб бориши зарурлигига қаратиш ҳақида қарор қабул қилинган.*

*Қурултой делегатлари таркибининг учдан бири аёллардан ташкил топгани бизни қувонтиради. Ҳозирги вақтда қонунчилик талабларини бажариш ва барча босқичларда халқ депутатлари орасида 30 фоиз аёллар вакиллигини таъминлаш, уларнинг номзодлари ҳокимиятнинг барча босқичларига кўрсатилишига эришиш биз учун жуда муҳим.*

*Анжуманда биз яна бир бор сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда давлатнинг бош ислоҳотчи эканини тан олиб, ўзимизнинг ғоявий позициямизни мустаҳкамладик.*

*Делегатлар томонидан бир овоздан эътироф этилганидек, биз имкониятлар тенглиги ва ҳар бир шахс қадр-қимматининг ўзаро тенглик ғояси тарафдоримиз.*

**Маҳмуд БОБОЁРОВ,**
**Самарқанд вилояти партия кенгаши раиси:**



*— Қурултой ўз-ўзини танқид руҳида, фойдали таклиф ва мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. Партия Сиёсий Кенгаши, қолаверса, ҳудудий ташкилотлар фаолиятига холис баҳо берилди. Музокаралар давомида амалга оширилган ижобий ишлар, қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдалана олинмаган ҳолатлар ҳам танқидий таҳлил қилинди.*

*Шу маънода, бизнинг вилоят партия кенгаши фаолиятига танқидий назар ташланса, қўлга киритган ютуқларимизга нисбатан бой берилган имкониятлар кўплиги ойдинлашади. Жумладан, олдинги сайловларда партиямиз томонидан кўрсатилган номзодларнинг фақатгина 8 нафари вилоят Кенгаши депутатлигига, 45 нафари эса туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайланган. Шунинг учун йўл қўйилган хато-камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, бу галги сайловларга пухта ва жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида вилоят кенгаши ишни асосан маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ташкиллаштирди. Чунки сайловлар жараёнида асосий ўринни маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар, яъни сайловчиларимиз эгаллашини ҳисобга олган ҳолда, вилоятдаги жами 1106 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан бугунги кунда 665 та (60%) маҳаллалар қошида бошланғич партия ташкилотлари ташкил этилди. Бизнинг фикримизча, бошланган сайлов кампаниясида ушбу ҳолат ўзининг ижобий натижаларини беради.*

*Сайловлар — демократия кўзгуси. Унинг демократик қадриятларга ҳамоҳанг тарзда очиқ, адолатли ва ошкора ўтиши, шубҳасиз, сайловчилар фаоллиги билан белгиланади. Бу эса кўп жиҳатдан сайловчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларига боғлиқ. Сайловолди кампаниясида тарғибот-ташвиқотнинг аҳамияти беқиёс. Уни оқилона ва маҳорат билан йўлга қўймай туриб, кўзланган натижага эришиб бўлмайди.*

*Бугунги Қурултой ҳудудий партия ташкилотларининг ўзига хос ютуқлари, камчиликларини таҳлил қилиш баробарида олдимизга қўйилаётган умумий мақсад-муддаоларимизни, устувор вазифаларимизни биргаликда, ўзаро баҳамжиҳатликда қатъий белгилаб олиш имконини берди. Ўйлайманки, ана шу бирдамлигимиз ва ҳамжиҳатлигимиз сайловлардаги муваффақиятимизга замин бўлади.*

«Adolat» мухбири
**Феруз ЖЎРАЕВ** тайёрлади.

## қудратини оширади»

кабрида бўлиб ўтадиган умумхалқ сайловларида фаол иштирок этиб, кўпроқ ўринларга эга бўлиш, халқимизга муносиб хизмат қилиш асосий мақсадимиздир. Бу устувор вазифалар бизни янада масъулият билан ишлашга, фидойилик кўрсатишга ундайди. Ахир фидойи сафдошлар партия қудратини оширади, обрў-эътиборини кучайтиради. Шундай экан, партиявий ишларда фидойилик кўрсатиш фаолиятимизнинг асосий мезонига айланиши керак.

Қурултой делегати, партия фаоли Носиржон Алимардонов ўзининг қатъий ҳаётий позициясига эга. Ишчанликни қадрлайди. Мақтанишни хуш кўрмайди. Қаерда бўлмасин, қайси соҳада меҳнат қилмасин партияга садоқатини намоён этиб, унинг ғояларини ҳаётга изчил жорий этишга интилади. Айни пайтда у меҳнат қилаётган "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядорлик компанияси мамлакатимиздаги етакчи меҳнат жамоаларининг бирига айланган. Унинг таркибидаги 25 та корхонада 16 минг нафар ишчи-хизматчи меҳнат қиляпти. Улар жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 400 миллиард сўмликдан зиёд геологик қидирув ишларини амалга оширишга муваффақ бўлишди. 2009 йилдан буён партия сафида самарали фаолият кўрсатиб келаётган бу сафдошимиз мазкур ютуқларга муносиб ҳисса қўшиш билан биргаликда ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қуватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати устувор вазифага айланган юртимизда бугун янги авлод камолотига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўз фаолиятида ёшлар масаласига доимий эътибор қаратиб келаётган "Адолат" СДП ўзининг қатор янги лойиҳа ва ташаббуслари билан янги авлод вакиллари орасига чуқур кириб бормоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида эркин фаолият кўрсатишларига эришиш ҳудудий партия ташкилотларининг диққат марказида бўлмоқда. Ташаббускор ва фидойи сафдошимиз Носиржон Алимардонов биз билан суҳбатда ўзи меҳнат қилаётган акциядорлик компаниясида ёшларга кўрсатилаётган эътиборни алоҳида тилга олиб ўтди. Ахир биргина шу йилнинг ўзида ўнта коллежни тамомлаган 3337 битирувчи компанияга ишга қабул қилинди. Ёшлар битирувчи, коллеж ва корхона билан тузилган уч томонлама шартноманинг шунчаки эмаслигини, унинг ортида давлатимизнинг ёшларга бўлган беқиёс эътибори турганлигини ҳис этдилар. Зеро, бугунги ёшлар эртанги куннинг мутахассисларидир. Бу жараёнларни Носиржон Алимардоновнинг ўзи ҳам бир пайтлар бошидан ўтказган. Ҳалол меҳнати боис малакасини йил сайин ошириб бориб, жамоасида танилган, қадр топган. Бугунги ёшларнинг ҳар бири эртага, албатта, сафдошимизга ўхшаб шундай шарафга сазовор бўладилар. Ёшларимизнинг дунёда кечаётган оғир иқтисодий-молиявий инқирозларга қарамай, барча соҳалари жадал ривожланиб бораётган юртимизга бўлган меҳру муҳаббати бунга йўл очади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг самарали фаолияти туфайли Носиржон Алимардоновга ўхшаган кўплаб фидойи инсонлар партиямиз сафида ўзларини тўлақонли намоён этиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Халқчил партиянинг аъзоси бўлишни ўзлари учун масъулият деб билган бундай сафдошларимиз келгусида ҳам "Адолат" СДПнинг обрў-эътиборини, унинг сиёсий куч сифатидаги залворини янада юксалтириши шубҳасиз.

**Рустамжон АҲМАДАЛИЕВ,**
«Adolat» мухбири

ADOLAT

№ 45
2014-yil
7-noyabr

# Янги қонунлар мамлакат тараққиёти учун хизмат қилади

Давоми. Боши 1-бетда

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси билан мувофиқликни баҳолаш соҳасига доир атамалар бирхиллаштирилаётганлиги, маҳсулот, жараён, иш ва хизматлар хавфсизлиги масалалари таъминланаётганини муносиб баҳолаб, лойиҳани янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклиф-тавсияларини билдирдилар.



Йиғилишда **"Мамлакатда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, унда назарда тутилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар республикада тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратишга оид ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

**Раъно Гайимова,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Маълумки, норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш — мазкур органлар томонидан қабул қилинаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тааллуқли ҳужжатларни уларнинг эътиборига етказишнинг энг тезкор усули ҳисобланади. Қонун лойиҳасида бу борада акс эттирилган нормалар, хусусан, тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинмаган тақдирда тадбиркорлик фаолияти субъектларига жавобгарлик чоралари қўлланилмаслигини белгилаб қўйиш таклифини қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу меъёр давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги ахборот алмашинувини жадаллаштириш ҳамда бошқарувда очиқлик, ошкоралик таъминланиши тарафдори ҳисобланмиш партиянинг Сайловолди дастуридаги ғояларга мувофиқ экани билан аҳамиятлидир.

Кун тартибидаги навбатдаги масала — **"Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ишлаб чиқилгани, ушбу лойиҳа орқали Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Ҳаво кодекси, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги, "Табиий монополиялар тўғрисида"ги, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ва шу каби қонунларни юқоридаги қарор талабларига мослаштириш назарда тутилгани қайд этилди.

Қонун лойиҳасида тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча қоғозбозликка йўл қўйиш ҳолатлари учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани айни муддаодир.

Маълумки, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси қонун устуворлиги таъминланиши ҳамда ҳар қандай бюрократик тўсиқлар бартараф этилиши тарафдори сифатида ўзини намоён этаётган сиёсий партия ҳисобланади. Шу боис фракция аъзолари лицензия ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар асосида фаолият юритиш шартларига амал қилмасдан тегишли ҳужжатларсиз иш юритган тадбиркорлик субъектлари мансабдор шахсларига энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлганидек, тадбиркорнинг қонуний фаолият юритишига тўсқинлик қилган мансабдор шахсдан ҳам худди шундай миқдорда жарима олинишига оид таклифни қўллаб-қувватлашди.

Шунингдек, мазкур лойиҳада юридик ва жисмоний шахсларга хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун лицензия бериш меъёрини бекор қилиш ҳамда мазкур талабни фақатгина банкларга татбиқ этиш амалиётини киритиш назарда тутилганига алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала — **"Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси (биринчи ўқиш) юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, фракция аъзоси **Ойша Охунова** батафсил тўхталди.

— Маълумки, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 65-моддасида ишни кўраётган суд далилларни бошқа туман ёки шаҳарда тўплаш зарур бўлган тақдирда, тегишли судга муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишни топшириши белгиланган, — деди фракция аъзоси. — Мазкур кодекснинг 131-моддаси талабига кўра, фуқаролик ишлари биринчи инстанция суди томонидан ишни судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим, алоҳида тоифадаги ишлар бўйича бу муддат 20 кунни ташкил этади. Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, мураккаб тоифадаги ишлар бўйича судлар томонидан қонунда белгиланган муддат бузилаётганлиги ёки аксинча, муддатни бузмаслик учун ишларни кўришда шошилиш оқибатида хатоликларга йўл қўйилаётган ҳоллар ҳам учраб турибди. Қатор процессуал ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва суд топшириқларининг жойлардаги ижроси узоқ вақт талаб этишини инобатга олиб, кодексда белгиланган муддатни икки ойга қадар узайтиришни белгиловчи норма билан тўлдириш таклиф этилмоқда. Киритилаётган қўшимчага кўра, суд иш бўйича суд топшириғини юборганда уни ижро этиш бўйича ҳаракатлар тугагунига қадар иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга бўлиши кутилаяпти. Қолаверса, қонун лойиҳасида апелляция инстанцияси шикоят ёки протест бўйича тушган ишни апелляция инстанцияси ваколатларидан фойдаланиш учун ФПКда белгиланган йигирма кунлик муддат ўрнига бир ойдан кечиктирмай кўришни назарда тутувчи ўзгартириш киритилиши белгиланмоқда. Бундан ташқари, кодекс ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкинлигига оид норма билан тўлдирилиши белгиланган.

Фракция аъзолари киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар судларда иш кўришнинг процессуал муддатлари бузилишининг олдини олишга ва фуқаролик ишларининг тўлиқ, ҳар томонлама синчковлик билан кўриб чиқилишини таъминлашга хизмат қилиши, хусусан, партиянинг одил судловни амалга ошириш ҳамда судларнинг умумэътироф этилган принципларга бўйсунишига қаратилган ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга оид дастурий ғояларига ҳамоҳанглиги билан аҳамиятли эканлигини таъкидлашди. Шу билан бирга, судлардаги иш юритиш самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг судга бўлган муносабатига ижобий таъсир кўрсатиш мақсадида бу борадаги қонунчилик юзасидан хорижий давлатлар тажрибасини изчил ўрганиш лозимлиги юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Йиғилишда шунингдек, **"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги ҳамда **"Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракция аъзоларининг партия позициясидан келиб чиқадиган таклифлари эшитилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

**➢ Дил сўзлари**

Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакатимиз бугунги кунда эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Шу боис, мамлакатда олиб борилаётган демократик ислоҳотлар жамият аъзоларидан ташаббускор бўлишни, ижтимоий-сиёсий ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қарамасликни талаб этади.

# Адолат — ҳар бир инсон учун




*Ўз фуқаролик позициясига эга, мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмаган ҳар бир шахс ўз касбий фаолияти ва мақсадларидан келиб чиқиб, маълум бир сиёсий партия ғояларини ёқлаши ва ўз қарашларига ҳамоҳанг, дастурий мақсад ва вазифалари халқчил партияга аъзо бўлиши мумкин.*

*Жамиятнинг фаол бўғини бўлиш истагини билдирган ҳолда мен Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясини танладим ва унга аъзо бўлдим.*

*Айниқса, партиянинг дастурий мақсади билан яқиндан танишганимда, унда жамиятда эркин, ҳуқуқий фуқаролик жамияти, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш каби ғоялар илгари сурилиши мени бефарқ қолдирмади.*

*Айтиш жоизки, қонунлар мукаммаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини, адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштиришни мақсад қилган партия сафида туриб, ушбу ишларни амалга оширишга бел боғлаш менга улкан масъулият юклайди.*

*Олдимизда турган муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловда партия томонидан муносиб номзодлар кўрсатилиши ва кўпчилик ўринни эгаллашга эришилиши, ўйлайманки, партия ғояларини янгича руҳда амалга ошириш, уларни ҳаётга кенгроқ жорий қилишга, партия масъуллари ва Қонунчилик палатасидаги фракция аъзоларининг ўз олдига янги мақсад ва вазифаларини қўйиб, уни адо этиш учун киришишига туртки беради.*

*Ўз фаолиятини жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, мустаҳкам ҳуқуқий базага таянган демократик давлат қуриш, адолат тамойили инсонлар учун ҳамиша бирламчи аҳамият касб этишига қаратган «Адолат» социал-демократик партиясига жорий йил 21 декабрь санасида бўлиб ўтадиган сайловда муваффақият тилайман!*

**Хушнудбек ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
ҳуқуқшунос

# Янги таҳрирдаги Сайловолди дастур ёш инноваторларни ўзига жалб этди

**➢ Тадбир**

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши сафида юксак сиёсий ва ҳуқуқий билимга эга аъзолар кўпчиликни ташкил этади. Партиянинг ҳудудий кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан «Сиёсий жараёнларда ёшлар иштироки» мавзусида ўтказилган тадбир сайлов жараёнидаги ёшлар иштироки ва янги таҳрирдаги партия Сайловолди дастури муҳокамасига бағишланди.

Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши фаоллари ва «Ёш инноваторлар» клуби аъзолари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими етакчиси А.Пахратдиновнинг «Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий жараёнлар ва унда сиёсий партиялар иштироки» мавзусидаги маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Кенгаш раиси ўринбосари Р.Отарбаевнинг «Партиянинг янги таҳрирдаги Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар» номли маърузаси ҳам ёш инноваторларни қизғин муҳокамага чорлади.

Маърузаларда таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Сайловолди дастур партиянинг жамият ривожидаги ролини кучайтириш ҳамда унинг аҳоли ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, партия Сайловолди дастурида турли соҳаларни ривожлантиришда инновация масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани турли йўналишларда изланишлар олиб бораётган ёш инноваторларда катта таассурот қолдирди.

**Марс Бердибаев,**
**Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети техника факультети талабаси:**

— Партия дастурий мақсадларида иқтисодиётнинг турли тармоқларида инновацион технологияларни жорий этиш ғояси биз, ёш изланувчиларни бефарқ қолдирмайди. Таълим олаётган йўналишим техника фанлари билан алоқадор бўлгани боис, айни кунда техник изланишлар олиб бораяпман. Келажакда ўз изланишларим билан янгиликлар яратиш ва партия Сайловолди дастурида кўрсатилган инновацияга асосланган иқтисодиётни ривожлантириш йўналишида ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

**Азиз Пиржанов,**
**«Камолот» ЁИҲ Нукус шаҳар кенгаши «Камалак» болалар ташкилоти раиси, партия фаоли:**

— Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг янги таҳрирдаги Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар биз, ёшларни ҳам ташаббускорликка ундайди. Сабаби, дастурда таълим соҳасини янада ривожлантириш, илм-фаннинг юксак даражада тараққий этишига эришиш, ёш олимларга ғамхўрлик кўрсатиш каби ғоялар биз, ёшларнинг орзу-интилишларимиз билан чамбарчас боғлиқдир.

**Шарипа ТОРЕШОВА**

# Сайловда фаоллик кўрсатамиз

Сайлов – мамлакатимиз ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий жараён ҳисобланади. Шуни инобатга олган ҳолда биз, ёшлар бу муҳим воқеликдан четда қолмаслигимиз ва, албатта, ўз фаоллигимиз билан конституциявий ҳуқуқимиздан самарали фойдаланишимиз зарур.




Зеро, Ёшлар билан ишлаш бўлимининг сайловдаги иштироки эртанги ҳаётимизнинг қандай бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Биз эса ўз тақдиримизга бефарқ эмасмиз. Шунинг учун ҳам бу жараёнларга теран нуқтаи назар билан қараш ва тўғри хулоса чиқаришимиз керак.

Юртимизнинг барча ҳудудларидаги Ёшлар билан ишлаш бўлимлари ёшларда сайлов бўйича кўникмаларни янада ошириш мақсадида турли учрашувлар, давра суҳбатлари, ҳуқуқий викториналар сони ва сифатини ошириши мақсадга мувофиқдир. Сайловда ҳар бир йигит-қиз ўз фуқаролик бурчини тўлиқ адо этиши учун аввало, унинг ҳуқуқий маданияти юксак даражада бўлиши даркор. Биз партиямиздан кўрсатилган номзодларнинг дастурларини ҳамда партиямизнинг VI Қурултойида қабул қилинган Сайловолди дастурий ғояларини сайловчиларга тушунтиришда ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим, деб биламан.

Табиийки, сайлов жараёнлари мобайнида номзодлар ўртасида, уларни номзод қилиб кўрсатган партиялар ўртасида соғлом рақобатли тортишувлар бўлади. Биз, ёшлар сиёсий баҳсларда "Адолат" СДП ғояларининг афзаллигига сайловчиларимизни ишонтиришга ҳаракат қиламиз.

**Шоҳрух НАСИМОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий вилояти кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими раиси

# Ҳудудий партия ташкилотларида

## Дастурий ғояларнинг амалий мактаби

### ёки партиявий назорат тиббиётда кафолатли хизматни таъминлашга йўналтирилаётгани хусусида

**➢ БПТ нималарга қодир?**

"Бионурмедсервис" — замонавий тиббиётнинг мўъжизакор имкониятларини намойиш этаётган Ўзбекистон-Испания қўшма клиникаси нафақат Самарқандда, балки унга чегарадош вилоятларда ҳам минглаб беморларнинг дардига малҳам бўлаётган шифо маскани ҳисобланади. Бу ерда энг сўнгги технологиялар, юксак касбий маҳорат, бемор мурожаатига ҳозиржавоблик ва, албатта, кафолатланган тиббий хизмат клиниканинг обрў-эътиборини кун сайин мустаҳкамлашга, соғлиқни сақлаш тизимида ўрганишга лойиқ тажрибаларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Эътибор беринг: буйрагида тоши бор, касалликнинг хавфлилик даражаси юқори бўлган олти юз нафар беморнинг барчаси айнан шу ерга мурожаат қилиб, дарддан тўла фориғ бўлишди. Қизиғи, буйракдаги тош жарроҳлик муолажасисиз лазер нури, ультратовуш тўлқини ва махсус ускуна ёрдамида тебратиб, парчалаш орқали олиб ташланмоқда. Ҳар юз нафар беморнинг юз фоиз соғайиши ва даволашдан кейинги реабилитация муддати деярли икки баробарга қисқаргани жуда юқори кўрсаткичдир.

"Бионурмедсервис" нафақат буйрак муолажаси, урологик хасталиклар, балки замонавий тиббиётнинг 14 та йўналиши бўйича беморларга малакали хизмат кўрсатмоқда. Бугун даволашда юқори сифат ва даража, соғлиқни сақлаш тизимида кафолатли тиббий хизматни йўлга қўйиш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий мақсадларига мос келишини инобатга оладиган бўлсак, Самарқанддаги мазкур клиника, унинг жамоаси ҳақида батафсилроқ сўзлаш айни муддаодир.

"Бионурмедсервис" тиббиётга оид партия дастурий ғояларини амалиётга татбиқ этилишнинг ўзига хос тажриба мактабига айланган, десак хато бўлмайди. Вилоят партия кенгаши таркибидаги йирик бошланғич ташкилотлардан бири айни шу клиника қошида фаолият кўрсатмоқда. Даволаш-ташхис ишларини такомиллаштириш, клиниканинг тиббий шароитини яхшилаш, янги инновацион қўлланмаларни жорий этиш таклифи ҳам дастлаб партия фаоллари томонидан билдирилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

— Даволаш ва ташхис сифатини яхшилаш учун фақат шу йилнинг ўзида 2 та йирик лойиҳани амалга оширдик, — дейди клиника директори, айни чоғда БПТ раиси Зафар Пўлатов. — Қиймати 1 миллион 840 минг АҚШ доллари миқдоридаги янги магнитли компьютер томограф ускунаси ўрнатилди. Иккита қўшимча даволаш биноси қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳам муҳим воқеа бўлди. Натижада бир кунда 300 нафар беморга хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Тиббиётда беморларнинг талаб, таклифларини ўрганиш, юқори самара берадиган муолажа усулларини жорий этиш, мутахассисларнинг касбий малакасини тинимсиз ошириш, энг машҳур клиникалар билан ҳамкорлик қилиш "Бионурмедсервис" фаолиятидаги муҳим шиорга айланган.

— Энди клиникамиз қошида офтальмология бўлимини ҳам ташкил этаяпмиз, — деди бош шифокор, партиядошимиз Жамшид Нуриллаев. — Чунки ўйлаб кўрсак, иқтидорли мутахассисларимиз ҳам, шароитимиз ҳам етарли экан. Бунинг устига Европадан қиймати ярим миллион евро миқдоридаги янги даволаш-ташхис ускуналарини харид қилдик. Ахир тиббиётда юқори технология — даволашнинг юқори кафолати, демакдир.

Клиникадаги партиядошларимиз айнан шундай фикрлашга ва иш юритишга одатланишган. "Адолат" СДП аъзолари Гулбаҳор Абдуллаева, Ситора Муродова, Моҳина Нажмиддинова сингари мутахассислар ўз соҳалари бўйича беморларга малакали ёрдам кўрсатиб, жамоанинг умумий ютуғига салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Партия дастуридан келиб чиққан ҳолда аҳолининг моддий жиҳатдан кам таъминланган қисмини қўллаб-қувватлаш ва айни чоғда "Соғлом бола йили"га бағишланган Давлат дастурини бажариш мақсадида "Бионурмедсервис" Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши билан ҳамкорликда йил давомида "Саломатлик акцияси" ўтказиб келаётганлиги эътиборга лойиқдир. Мазкур тадбир доирасида Самарқанддаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан 100 нафари бепул тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда уларга зарур дори-дармонлар тарқатилди. Оилаларда репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш бўйича ўнлаб фойдали суҳбатлар ўтказилди.

Бугун клиника қошидаги бошланғич партия ташкилотининг ўттиз нафар аъзоси ўз соҳасининг ташаббускори, яхши мутахассис ва сиёсий дунёқараши кенг бўлган кишилар. Улар тиббиётни ислоҳ этиш талабларини чуқур тушуниб етишган. Соҳадаги муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратидан ўринли фойдаланишади. Камчиликларни рўй-рост айтишади. Муросасозлик қилишмайди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий ўзгаришлар, янги ҳуқуқий меъёрлар юртдошларимиз ва уларнинг фарзандлари соғлом яшашлари учун қилинаётган ғамхўрлик эканлигини ҳар дақиқа ҳис этиб туришади. Бир клиника доирасидаги амалий фаолиятлари, изланиш-интилишлари билан тиббиётдаги ютуқларни мустаҳкамлашга, унинг самараларидан тобора кўпроқ кишиларни баҳраманд этишга астойдил ҳаракат қилишади.

БПТ аъзоси, ҳамшира Ситора Муродованинг таъкидлашича, тиббиётнинг долзарб вазифаларини ҳал этишда, тегишли бошқарув идоралари муҳокамасига олиб чиқишда партиянинг маҳаллий Кенгашдаги депутатлари билан ҳамкорлик ўз натижаларини бераяпти. Ана шу алоқадорлик туфайли даволашнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Саломатлик лойиҳаларининг тижорат банклари томонидан молиялаштирилиши осон кечмоқда. БПТнинг партия дастурий мақсадларига мос ҳаракат қилишини таъминламоқда. Тиббиётдаги партиявий назорат эса соғлиқни сақлаш муассасасида кафолатли хизматни таъминлашга, қабулдаги беморлар учун танлаш имкониятини яратишга йўналтирилаётганлиги билан аҳамиятлидир.




*Суратда: "Бионурмедсервис" қошидаги БПТ раиси З.Пўлатов партиядошлар билан.*

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
«Adolat» мухбири

## Сиёсий баҳслар технологияси ўрганилмоқда

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти кенгашида халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига партиядан номзоди кўрсатилган фаоллар, БПТ раислари, таълим, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, партиялараро теледебатлар иштирокчилари ва кенг жамоатчилик вакиллари учун ўтказилган сиёсий ўқув "2009 йил сайловолди дастуридаги устувор йўналишлар ва уларнинг ижроси. Жамиятдаги вазифаларни ҳал қилишда партиянинг иштироки. Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 2014-2019 йиллар учун дастурий мақсад ва вазифалари", деб номланди.

Кун тартибидаги долзарб мавзу юзасидан Қарши Давлат университети катта ўқитувчиси Гулчеҳра Содиқова маъруза қилди. У ўз чиқишида Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"-ги ва "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги қонунлари қабул қилингандан сўнг партия фаолиятида қатор ижобий ўзгаришлар рўй берганини, аъзолар, айниқса, хайрихоҳлар сафи янада ортгани, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ўзига хос фаоллик ва ташаббускорлик билан иш олиб боришаётганини, бу мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар самараси эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Жорий йилнинг 21 декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловнинг кўппартиявийликка асосланганини ва демократик қадриятларнинг устуворлиги партия аъзолари зиммасига сайловчилар манфаатлари, қарашлари, мақсад ва интилишларини тўлиқ ифодалашдек масъулиятли вазифаларни юклайди, — деди Г.Содиқова. — Шунингдек, сайлов партиямиз учун жиддий сиёсий сабоқ, бошқача айтганда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги ўзига хос синов босқичи бўлади, десам янглишмайман. Айни пайтда партиямиз аъзоларининг кенг кўламда фаолият юритишлари учун барча ҳуқуқий имкониятлар яратиб берилгани саъй-ҳаракатимизнинг самара келтиришига умид уйғотади.

Тадбирда фалсафа фанлари доктори, профессор Санжар Чориевнинг "Партиялараро теледебатларнинг сайлов жараёнларида тутган ўрни. Сиёсий баҳсга киришиш ва уларда партия позициясини ҳимоя қилиш технологияси" мавзуидаги маърузаси ҳам кўпчиликнинг диққат эътиборини тортди.

— Сайлов жамиятдаги хилма-хил фикрлар, фуқароларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-ўйлари, умидлари, ижтимоий кайфиятларини яққол намоён этадиган жараёндир, — деди С.Чориев. — Бу жараёнда партиямиз аъзолари янада жипслашиб, фаоллик кўрсатишаётгани айни дамда барчамизни беҳад қувонтиради. Айниқса, партиямиз ғоя ва дастурлари билан мустаҳкам қуролланган теледебатларнинг сиёсий куч позициясини ҳимоя қилиши, "Адолат" СДПнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва ролини кенг жамоатчиликка етказиш борасидаги саъй-ҳаракатлари барчага манзур бўлаётир.

Шунингдек, сиёсий ўқувда ҳуқуқшунос Асрор Эшимовнинг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, вилоят партия кенгаши раиси Абдуқаххор Аҳмедовнинг "Партиянинг 2009 йил сайловолди дастуридаги устувор йўналишлари ва уларнинг ижроси" мавзуидаги маърузалари ҳам тингланди.

Тадбирда партия фаолияти чуқур таҳлил этилиб, теледебатларнинг сайлов жараёнларида тутган ўрни ва улар томонидан эътибор қаратилиши муҳим бўлган вазифалар жиддий уқтирилди. Ишчанлик, баҳс-мунозара, ташаббускорлик руҳида ўтган тадбир иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

**Комил САХАТОВ**



## Сайловчи ишончи — юксак масъулият

**➢ Депутатлик гуруҳларида**

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида амалга оширилаётган тараққиётнинг янги босқичида сиёсий партиялар олдига янгидан-янги талаб ва вазифалар қўйилмоқда. Айни пайтдаги сиёсий модернизациялашув жараёнлари сиёсий партиялардан ташкилий, партиявий ишларини янада жонлантиришни, партия фаолларидан ташаббускорлик ва фидойиликни, электорат манфаатлари йўлида жонкуярлик, изланувчанлик ва ишга масъулият билан ёндашишни талаб этмоқда.

Шу маънода айтиш лозимки, юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этувчи халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг жойларда рўёбга чиқарилишини таъминлаш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрни катта. Зеро, ҳар бир вилоятнинг, туман ва шаҳарнинг пасту баландидан, одамлари, иқтисодий салоҳияти, имкониятларидан ўша ердаги вакиллик органлари, доимий комиссиялар, депутатлик гуруҳлари яхши хабардор. Шу боисдан ҳам маҳаллий Кенгашлар, айниқса, доимий комиссиялар фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг амалдаги қонунчиликда белгилаб берилган ваколатларидан унумли фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда бу сиёсий институтлар фаолияти тубдан яхшиланиб бормоқда. Бугун Андижон вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотларда ҳам уларнинг иштироки ва фаоллиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан депутатларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро шериклигининг илк босқичи сифатида давра суҳбатлари, амалий конференциялар ўтказилмоқда. Бу пировардида парламент ва депутатлик ваколати орқали барқарор жамоатчилик назоратини амалга оширишга замин яратаётир.

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳининг кейинги йиллардаги фаолиятида юқоридагиларнинг яққол ифодасини кўриш мумкин. Ўтган давр мобайнида депутатлик гуруҳи ва аъзолари номидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига бир нечта масала киритилди ва муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Хусусан, депутатлик гуруҳи ташаббуси билан "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар ўрганиб борилмоқда. Жумладан, бир қатор туманларда давлат дастури ижроси ўрганилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиялари ва доимий комиссияларнинг йиғилишларида муҳокама этилди.

Партия Сайловолди дастури ижроси ва фуқаролар мурожаатлари асосида депутатлик сўровлари сони ҳам кескин ортиб бормоқда. Бу уларнинг ўз ваколатларидан самарали фойдаланаётганини кўрсатади.

Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг яқинда ўтказилган навбатдаги сессиясига Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорининг вилоятдаги ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтириш масаласи киритилди.

Сессияда мазкур масала кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди ва чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Ҳозир вилоятда ана шу асосда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, депутатларимиз сайловчилардан келган мурожаат ва шикоятлар асосида ўз сайлов округлари ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал қилишда ҳам амалий саъй-ҳаракатлари билан халқ ишончига муносиб жавоб қайтармоқдалар.

Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида депутатларимиз томонидан Қўрғонтепа туманидаги "Ғалаба" маҳалласи фаоллари мурожаати асосида бузилган сув иншоотини таъмирлаш ҳамда "Амир Темир" кўчасини асфальтлашга амалий ёрдам кўрсатилди. Балиқчи туманидаги «Мирзабошчек» маҳалла фаоллари мурожаатлари асосида аҳоли томорқа экинларини сув билан таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотларга юборилган сўровлар асосида сув қудуғи ўрнатиб берилди. Шаҳрихон туманидаги "Сузак" автомобиль йўлини таъмирлаш ҳамда "Гулистон" ҚФЙ Қўрғонча кўпригини кенгайтириш масаласи ҳам депутатлар аралашуви билан ижобий ҳал қилинди.

Вилоят партия депутатлар гуруҳи раҳбари М.Мирзаев томонидан ўз сайлов округидаги имконияти чекланган болаларни махсус мактаб-интернатларига ўқишга жойлаштиришга кўмаклашилди.

Бундан ташқари, партиямиздан сайланган халқ депутатлари Олтинкўл туман Кенгаши депутати Фахриддин Парпиев, Андижон туман Кенгаши депутатлари Дилдорахон Алихонова ва Арофатхон Исманова, Асака туман Кенгаши депутати Мехринисо Каримовалар ҳам партиямизнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, самарали иш олиб бормоқда. Ўз ҳудудида сайловчилар билан мунтазам мулоқотда бўлиб, уларнинг талаб ва сўровномаларига ўз вақтида жавоб беришга эришишмоқда. Оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигида вояга етмаган ёшлар билан ишлаш, кам таъминланган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

— Чиндан ҳам сиёсий партиялар фаолиятида маҳаллий Кенгаш депутатлари катта роль ўйнайди. Негаки сайловчилар ишончи ва ҳурматига сазовор бўлган халқ вакилларининг ҳар бир сўзи ва ҳаракатини фуқаролар тўғри қабул қилади. Шу сабаб биз ўз мақсад ва режаларимизни амалга оширишда улардан самарали фойдаланмоғимиз лозим, — дейди вилоят партия кенгаши етакчи мутахассиси Ғолибжон Раҳимов.

Жорий йилнинг ўтган даврида депутатларимиз томонидан Қўрғонтепа туманидаги "Ғалаба" маҳалласи фаоллари мурожаати асосида бузилган сув иншоотини таъмирлаш ҳамда "Амир Темир" кўчасини асфальтлашга амалий ёрдам кўрсатилди. Балиқчи туманидаги «Мирзабошчек» маҳалла фаоллари мурожаатлари асосида аҳоли томорқа экинларини сув билан таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотларга юборилган сўровлар асосида сув қудуғи ўрнатиб берилди. Шаҳрихон туманидаги "Сузак" автомобиль йўлини таъмирлаш ҳамда "Гулистон" ҚФЙ Қўрғонча кўпригини кенгайтириш масаласи ҳам депутатлар аралашуви билан ижобий ҳал қилинди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, депутатлар фаолиятининг кучайтирилиши ўз самарасини бермоқда. Жамиятда депутатнинг ўрни бениҳоя муҳим. Халқни эзгу ниятлар билан ўзига эргаштира олган инсон ҳамиша одамларнинг ҳурмат-эътиборида бўлади.

Депутатлик юқори мартаба ёки лавозим эмас, аввало масъулиятдир. Шундай экан, навбатдаги сайловларда энг муносиб номзодларни танлашда буни унутмаслик лозим.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП
Андижон вилояти кенгаши матбуот котиби

ADOLAT

№ 45
2014-yil
7-noyabr

# Ижтимоий шериклик: ННТлар ҳуқуқлари оширилмоқда

**➢ "Адолат" шарҳи**

Фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Кўпгина хорижий мамлакатларда давлат билан нодавлат секторнинг ўзаро муносабатлари турли қонун ҳужжатлари билан ёки "ҳукумат ва фуқаролик сектори" ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар доирасида тартибга солинган. Бироқ, шуни ҳеч иккиланмай айта оламизки, ҳатто ривожланган демократик давлатларда ҳам давлатнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро шериклигини ва уни амалга ошириш механизмини белгилаб берувчи ягона қонун ҳужжати мавжуд эмас. Яъни, Ўзбекистонда қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун дунёда ўхшаши йўқ, десак муболаға бўлмайди.



Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 25 сентябрь куни имзоланган мазкур қонун 2015 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

Қонун 5 та боб ва 30 та моддадан иборат бўлиб, 1-боб умумий қоидаларга бағишланган. Ўз ичига 1-5 моддаларни олган ушбу бобда қонуннинг мақсади, ижтимоий шерикликнинг тушунчаси, субъектлари, асосий принциплари ва соҳалари очиб берилган.

Хусусан, қонуннинг 3-моддасида ижтимоий шерикликка қуйидагича таъриф берилган. Ижтимоий шериклик — давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Қонунга мувофиқ ижтимоий шерикликнинг субъектлари сифатида, бир томондан давлат органлари, иккинчи томондан эса — нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этадилар.

Қонуннинг 2-боби ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартибини белгилаб, ўз ичига 6-11-моддаларни олади. Унда ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари сифатида:

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари вакилларининг давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари фаолиятида иштирок этиши;

ижтимоий шериклик субъектлари томонидан биргаликда тадбирлар, маслаҳатлашувлар ва музокаралар ўтказиш;

ижтимоий шериклик субъектлари томонидан битимлар ва шартномалар тузиш, биргаликдаги лойиҳалар ва режаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ижтимоий шериклик субъектлари ўртасида ўзаро қўллаб-қувватлаш, ахборот алмашиш кабилар белгиланиб, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари кўрсатилган.

3-боб ўз ичига 12-22 моддаларни олган бўлиб, ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласига бағишланган. Унда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг турлари кўрсатилиб, улар орасида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкий, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув-услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари акс эттирилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Масалан, 13-моддада ижтимоий шериклик соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома асосида давлат мулки текин ёки имтиёзли шартларда вақтинча фойдаланишга берилиши мумкинлиги белгиланган. Бу эса давлат томонидан нодавлат секторга бериладиган жуда салмоқли ва муҳим мулкий кўмакдир. Айниқса, доимий иш жойига (бино, офис) эга бўлмай сарсон бўлиб юрган нодавлат нотижорат ташкилотлари эндиликда давлат томонидан бериладиган бундай имтиёздан тўғри фойдаланиб, ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлаб фаолият олиб борадилар.

Бундан ташқари, қонуннинг ушбу бобида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясига ўхшаш тузилмаларни жойларда ҳам тузиш назарда тутилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, қонуннинг мазкур бобида давлат субсидияси, давлат гранти, давлат ижтимоий буюртмаси ва уларни бериш тартиби қонун билан мустаҳкамланди.

Ушбу масалада яна бир янгилик, бу — давлат гранти ва давлат ижтимоий буюртмасини бериш эндиликда нафақат Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан, балки жойларда ташкил этиладиган жамоат фондлари орқали ҳам амалга оширилиши белгиланди. Бу эса узоқ туманларда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат иқтисодий кўмагини олиш учун марказга келиб-кетиш билан боғлиқ сарф-харажатлари ва вақтларини тежаш имконини беради. Натижада иқтисод қилинган маблағ бевосита тегишли лойиҳа мақсадларига йўналтирилади.

Қолаверса, грант танловларининг жойларда ташкил қилиниши маҳаллий давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан самарали ижтимоий шериклик алоқаларини ўрнатишга қизиқишларини орттиради. Уларнинг фуқаролик жамияти институтлари томонидан кўтарилаётган турли хил муаммолардан хабардор бўлиб боришларига ва ушбу муаммоларни биргаликда ҳал этиш чораларини кўришга ёрдам беради.

Қонуннинг 4-боби 23-26-моддалардан иборат бўлиб, унда ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилган. Эътиборлиси шундаки, ижтимоий шериклик ҳар иккала субъектларининг мазкур қонунда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бири билан ўзаро солиштирилганда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ҳуқуқлари давлат органларига нисбатан қарийб икки баравар кўп, мажбуриятлари эса аксинча икки баравар кам қилиб белгиланган.

Қонуннинг охирги 5-боби якунловчи қоидалар деб номланиб, 27-30-моддалардан иборат. Ушбу боб асосан қонунчилик техникаси ва амалиётидан келиб чиқиб киритилган бўлиб, низоларни ҳал этиш, ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, қонун ҳужжатларини ушбу қонунга мувофиқлаштириш ҳамда қонуннинг кучга кириши масалаларини тартибга солади.

Албатта, ушбу қонун мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш бўйича ўтказилаётган кенг кўламли ишлар самарадорлигини оширишга, катта ижтимоий аҳамиятга молик дастурлар ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнида аҳолининг кенг қатламлари манфаатларининг ҳар томонлама ҳисобга олинишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Жаҳонгир ШИРИНОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари*

## Сўранг, жавоб берамиз!

***— Алимент масаласида судга мурожаат этдим. Лекин бир неча бор чақирилишига қарамай, эрим суд мажлисига келмаяпти. Уни мажбурий тартибда ёки бошқача усулда судга олиб келиш мумкинми?***

**Р.Тўйчиева,**
*Асака тумани*

*— Алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келиши шартлиги бу ишларнинг ўзига хос процессуал хусусиятларидан биридир. Суд алиментлар ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келишини шарт деб топиши мумкин. Агар бундай ҳолда жавобгар суд мажлисига суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаса, у мажбурий тартибда келтирилади ва унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади. Мажбурий тартибда келтириш суднинг ажримига биноан ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилади (Фуқаролик процессуал кодексининг 261-моддаси).*

***— Вояга етмаган болаларга алимент миқдори қандай тартибда белгиланади?***

**С.Бозоров,**
*Андижон шаҳри*

*— Амалдаги оила қонунчилигига мувофиқ, суд вояга етмаган болаларга алимент миқдорини ота-оналарнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига қараб улушларда, яъни бир бола учун — тўртдан бир қисми; икки бола учун — учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярми миқдорида белгилайди. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.*

*Шунингдек, Оила кодексининг 101-моддасига биноан, алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, алиментнинг миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада ҳам ундирилиши мумкин.*

*Алиментлар миқдорининг ота-онанинг иш ҳақи (даромади)га нисбатан улушларда белгиланиши фуқаролар учун ҳам қулай ҳисобланади. Чунки алимент тўлаши шарт бўлган ота (она)нинг иш ҳақи кўпайган ёки камайган тақдирда алимент миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги талаб билан судга такроран мурожаат қилиш зарурати қолмайди. Жавобгарнинг иш ҳақи ўзгариши алиментлар миқдорининг ўзгаришига олиб келади.*

Саволларга Қўрғонтепа туман 1-сон ФҲДЁ бўлими мудираси **М.БАҲРИДДИНОВА** жавоб берди.

***— Ота-онам биринчи гуруҳ ногирони. 2 йил олдин оилавий келишмовчиликлар сабабли алоҳида яшай бошладим. Вояга етганлигим, меҳнатга лаёқатли бўлганим учун ота-онам таъминотини ўйлашга, уларга ғамхўрлик қилишга мажбурманми?***

**Е.Пўлатов,**
*Қўнғирот тумани*

*— Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида экани вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.*

***— Турмуш ўртоғим билан ажрашганман, бир нафар қизимиз бор. Унга суд орқали оталик белгиланмаган. У бошқа аёл билан қонуний никоҳдан ўтган ва уларнинг ҳам фарзандлари бор. Айтинг-чи, ушбу фарзандларнинг ҳуқуқлари тенгми?***

**Ж.Маткаримова,**
*Мўйноқ тумани*

*— Оила кодексининг 61 ва 62-моддаларида назарда тутилган тартибда оталик белгиланганда болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Мазкур модда оталик отанинг ўз истаги билан ёки суд тартибида аниқлангандан сўнг, никоҳсиз туғилган болаларга никоҳда туғилган болалар билан тенг ҳуқуқларни беради. Болаларнинг насл-насаби факти боланинг отаси тўғрисидаги ёзув билан тасдиқланади, бу билан бола отанинг қариндошлари сирасига киради. Бу шуни англатадики, никоҳда туғилган болалар ота ва унинг қариндошларига нисбатан қандай ҳуқуқларга эга бўлсалар, никоҳсиз туғилган болалар ҳам худди шундай ҳуқуқларга эга бўладилар. Лекин бу боланинг ҳамма ҳуқуқларига эмас, фақат мулк ва мерос ҳуқуқларигагина тегишлидир.*

Саволларга Қўнғирот тумани 1-сон ФҲДЁ бўлими мудираси **А.БАБАЖАНОВА** жавоб берди.

***— Автомототранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимларни тасдиқлангандан кейин ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши шартми? Агар қўйилиши шарт бўлса қанча муддат мобайнида?***

***А.Бакиров,***
*Шўрчи тумани*

*— Автомототранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ битимларни тасдиқлангандан кейин ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши шарт. Бу тўғрисида шартнома матнида ва тасдиқловчи ёзувда шартнома нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида ДЙҲХХ органларида ҳисобга қўйилиши кераклиги кўрсатилиши лозим. Бунда шартнома матнининг якуний қисмида ва тасдиқловчи ёзувда «Ушбу шартнома ИИВнинг тегишли ДЙҲХХ органларида ўн кун ичида белгиланган тартибда ҳисобга қўйилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади», деб ёзиб қўйилади.*

Саволга Шеробод туман 2-сон ДНИ нотариуси **А.УСМОНОВ** жавоб берди

# Ўзбекистонда солиқ тизими

**➢ Эътироф**

Жаҳон миқёсида глобал иқтисодий муаммолар чуқурлашиб бораётганига қарамасдан, мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланаётгани давлатимиз томонидан қабул қилинаётган иқтисодий дастурларнинг амалга оширилиши натижасидир. Айниқса, бюджет ва солиқ соҳаларини эркинлаштириш жараёни бу борада муҳим омил бўлаётир.

Мустақиллик йилларида аҳоли реал даромадлари ўсишига, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга асос бўлиб хизмат қиладиган кенг кўламли солиқ ислоҳотлари амалга оширилди. Бу жараёнда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда солиқ юкини босқичма-босқич пасайтириш устувор йўналиш қилиб белгиланди.

Солиқ юки 1991 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 41,2 фоизни ташкил қилган бўлса, ўтган йиллар давомида амалга оширилган оқилона солиқ сиёсати натижасида ҳозирги кунда бу кўрсаткич қарийб икки баробар камайди. Яъни, солиқ ставкаларининг оптималлаштирилиши ва мураккаб бўлмаган солиққа тортиш тартибининг жорий этилиши туфайли бу кўрсаткич бугунги кунда 20,8 фоизни ташкил қилмоқда.

Кўплаб мамлакатларда корхона ва муассасалар фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси ўртача 12,5-39,5 фоизи ташкил қилаётган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1995-2014 йиллар мобайнида 38 фоиздан 8 фоизга тушгани иқтисодиётимиздаги сифат ўзгаришлари, ўзига хос тараққиётга эришилаётганининг амалий ифодасидир.

Солиқ ставкаларининг оптималлаштирилгани давлат бюджети даромадлари таркибида ҳам муҳим сифат ўзгаришларига олиб келмоқда. Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар улушининг босқичма-босқич пасайтирилиши ва ресурсларга солинаётган солиқлар улушининг оширилиши шулардан энг муҳимидир. Бу ҳолат сармоявий фаолиятнинг фаоллашиши учун қулай шарт-шароитлар яратиши билан бирга табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантираётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу йўналишда муҳим бурилиш ясади. Мазкур фармон асосида бугунги кун талабларига мос келмайдиган лицензия ва рухсат бериш тартиби, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари кескин қисқартирилди. Жумладан, 2012 йил июль ойидан давлат органлари ва хўжалик бошқарувлари томонидан доимий равишда талаб қилиб келинаётган эллик турдаги ҳисобот, 2012 йил 1 августдан рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил бекор қилинди. Шу билан бирга, айрим ҳисобот шакллари бирлаштирилди.



А.Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

Президетимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди.

Хусусан, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишга қўлланилган мораторийнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январигача узайтирилди.

Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, бизнесни ташкил этиш ва уни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда.

Яқинда Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорацияси «Бизнесни юритиш 2015: Самарадорлик доирасидан чиқиб» (Doing Business 2015: Going Beyond Efficiency) номли навбатдаги йиллик маърузасини эълон қилди. Унга кўра, ҳисобот даврида юртимизда энг сезиларли даражада яхшиланган соҳа — солиқ соҳаси бўлиб, Ўзбекистон бу кўрсаткич бўйича рейтингда ўтган йилга нисбатан 61 поғона юқорига кўтарилди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароит яратиш, уларга яқиндан кўмаклашиш, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли шундай юксак натижаларга эришилмоқда.

**М.НАЗАРОВ,**
*Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати бошлиғи*

# Оила тинч — юрт тинч

**➢ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига**

Дарҳақиқат, оилада аҳиллик бўлса, юртда аҳиллик бўлади. Оилада илм-зиё, маънавий-ахлоқий масалалар тўғри йўлга қўйилган бўлса, жамиятда фозиллик, комиллик бўлади. Оиланинг иқтисоди мустаҳкам бўлса, мамлакатда фаровонлик ҳукм суради. Шу жиҳатдан оиланинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий мустаҳкамлиги, мамлакатнинг ҳам шу соҳаларда умумий оила сифатида ривожига беқиёс таъсир кўрсатади.



Мустақиллик йилларида оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш мақсадида унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш, оила аъзоларининг саломатлигини сақлаш ва билим даражасини ошириш, оиланинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шароит яратиш, кам таъминланган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш, оиланинг соғлом, билимдон ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш каби масалалар комплекс равишда қамраб олиниб, изчил, тадрижий ислоҳотлар амалга оширилди.

Конституциямизнинг алоҳида боби оилага бағишланиб, унда оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, деб эътироф этилган.

### I. ОИЛАНИНГ ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИДА БЎЛИШ ҲУҚУҚИ

Мустақиллик йилларида мазкур конституциявий қоидани ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги каби бир қатор қонунлар қабул қилинди. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат, деб белгилаб қўйилди.

Яқинда қабул қилинган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 5-моддасида ҳам ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш ижтимоий шерикликни амалга ошириш соҳаларидан бири, деб эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 159-моддасида юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдаси ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда камайтирилиши белгиланган.

Дунё амалиётида кам учрайдиган ва Ўзбекистоннинг инсонпарвар давлат эканлигини яққол кўрсатадиган белгилардан бири, бу — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг XIV бобида оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилганлигидир.

Оила муносабатларида барқарорликни таъминлаш масалалари миллий қонунчилигимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали янада мустаҳкамланмоқда. Хусусан, 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, эрта никоҳ қуришнинг олдини олиш мақсадида никоҳ муносабатларига киришишда қонунда белгиланган никоҳ ёшига амал қилмаслик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди. Бу жамиятнинг энг кичик бўғини ҳисобланган оиланинг пойдевори мустаҳкам бўлишига замин яратди.

Бир қатор вазирликлар, хусусан, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими ва бошқа вазирликларнинг асосий вазифаси сифатида тегишлича никоҳни қайд этиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилавий тадбиркорлик ривожлантирилишини рағбатлантириш, оила, она, ота ва болага тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурини амалга ошириш, болаларни оила шароитларида тарбиялашга оид психологик-педагогик методлар жорий этиш кабилар белгиланди.

Мамлакатимизда ҳар бир янги йилга ном беришда бевосита ва билвосита оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, ҳар бир оиланинг фаровонлигини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Булардан ташқари, Конституцияда белгиланган оиланинг давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор зарур чора-тадбирлар, қарорлар қабул қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2014 йил 1 августда "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда аҳоли, айниқса, никоҳдан ўтадиган аёллар ва ёшлар орасида соғлом оила қуриш, соғлом фарзандлар туғиш ва тарбия қилиш масалалари бўйича тизимли асосда тушунтириш ишларини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг қўшма дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш белгиланди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида скрининг, перинатал ва ихтисослаштирилган тиббий-илмий муассасалар фаолият юритаётгани, ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан зарур поливитаминлар билан таъминланаётгани соғлом авлодни дунёга келтириш, она ва бола саломатлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф қилишда муҳим омил бўлаётир.

### II. ОИЛАНИНГ ЖАМИЯТ МУҲОФАЗАСИДА БЎЛИШ ҲУҚУҚИ

Мазкур ҳуқуқни таъминлаш учун мамлакатимизда ўзига хос тизим шаклланган. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Оила" илмий-амалий маркази каби ташкилотлар ушбу тизимнинг асосини ташкил этади. Улар томонидан никоҳга кираётган шахслар ўртасида ирсий ва туғма касалликларнинг олдини олиш ҳақида кенг тарғибот ишлари, тўй маросимларини ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган ёш оилаларга тўй маросимларини ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилаш учун ёрдам кўрсатиш мақсадида оилага бағишланган турли конференциялар, семинарлар, тарғибот-ташвиқот тадбирлари, танловлар ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, оиланинг жамият муҳофазасида бўлиш ҳуқуқини "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган нормалардан ҳам яққол билиб олишимиз мумкин. Мазкур қонунда маҳалла фуқаролар йиғинларининг кам таъминланган оилаларга уларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда, шунингдек, коммунал хизматлари ҳақини тўлашда ёрдам кўрсатиши, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, банклар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга, шу жумладан, уларга никоҳ тузишда ва тўй тадбирларини ўтказишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатиши, тегишли ҳудуд доирасида жойлашган оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар олинишида белгиланган тартибда кафил бўлиши, вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек, бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиши, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаши кабилар белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *биринчидан*, мамлакатимиз Асосий Қонунида жамиятнинг табиий ва асосий бўғини бўлмиш оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш масалалари комплекс равишда қамраб олинган. *Иккинчидан*, оилага бағишланган конституциявий нормалар миллий анъаналар ва қадриятларимизга ҳамда жаҳонда ўзини оқлаган энг ижобий тажрибаларни уйғунлаштирган бўлиб, ўзига хос "ўзбек модели"ни шакллантирган.

**Самира Саид-ГАЗИЕВА,**
Тошкент шаҳар Олмазор тумани ФҲДЁ бўлими масъул ходими

# Республикачилар муҳим ғалабага эришди

**➢ Дунё сайловлари-2014**

Жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий жиҳатдан энг қудратли мамлакатларидан бири — АҚШда 4 ноябрь куни Конгрессга бўлиб ўтган оралиқ сайловларнинг дастлабки натижалари ушбу сиёсий тадбирда мухолиф Республикачилар партияси вакилларининг қўли баланд келаётганини кўрсатди. Маълум бўлишича, республикачилар Конгресснинг қуйи палатаси — Вакиллар палатаси устидан назоратни сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар.




Мамлакатнинг қатор нуфузли телеканаллари хабарларига кўра, республикачилар қуйи палатадаги 435 ўриндан 242 тасига эгалик қиладилар. Шу пайтгача улар 233 ўринни банд қилиб турган эдилар. Шунингдек, республикачилар илгари демократлар устунлик қилган юқори палата — Сенатда ҳам ҳукмрон куч бўлиш имкониятини қўлга киритишган. Хусусан, республикачилар партиясидан номзодлар Миссисипи, Теннесси, Мэн, Алабама штатларида ўз рақибларини доғда қолдиришди. Шунингдек, Ғарбий Виржиния, Шимолий ва Жанубий Каролина, Арканзас, Жанубий Дакота сингари асосий штатларда республикачилар демократлардан яққол устунлик қилишди. Рақиб сиёсий кучлар ўртасидаги кураш, айниқса, Флорида штатида жуда қизғин кечиб, республикачи Рик Скотт озгина фарқ билан демократ Чарли Крайстни ортда қолдирган. Кентукки штатида ҳам сайловлар кескин ўтди, ҳар икки томон сайловолди тадбирларига 100 миллион доллар атрофида маблағ сарфлашган. Республикачиларнинг Сенатдаги етакчиси Митч Макконнеллнинг мазкур штатдаги саъй-ҳаракатлари бесамар кетмай, рақиби Элисон Ландергэн Граймсга ғалабага имкон қолдирмади.

Айтиш жоизки, Конгресснинг ҳар икки палатасига ҳар тўрт йилда бир марта бўлиб ўтадиган оралиқ сайловларнинг бу галгисида вакиллар палатаси ҳамда 100 нафар сенатордан 36 нафари тўлиқ қайта сайланади.

Экспертлар, сиёсий шарҳловчилар таъкидлаётганидек, мазкур оралиқ сайловларнинг республикачилар учун энг аҳамиятли жиҳати шундаки, улар 2006 йилдан бери биринчи марта Конгресснинг икки палатаси устидан назорат ўрнатишга муваффақ бўлишмоқда. Бу эса мамлакатнинг амалдаги демократ президенти Барак Обама учун ҳам жиддий ички сиёсий қийинчиликлар туғдиради. Чунки элчиларни, Олий суд аъзоларини, ҳукумат агентликлари ва департаментларига ҳамда бошқа юқори лавозимларга номзодларни тайинлашда Сенатнинг қўллови зарур бўлади. Президент Обаманинг ўзи ҳам WNPR радиостанциясига берган интервьюсида демократлар ҳар икки палатада марраларни бой берганини тан олиб, партияси 1953-1961 йилларда АҚШда президентлик қилган Дуайт Эйзенхауэр давридан бери энг оғир вазиятга тушганини таъкидлаган.

Умуман, аксарият экспертлар таъкидлаётганидек, республикачиларнинг Конгресс палаталарига оралиқ сайловларда ғалаба қозониши кутилаётган эди.

Нима бўлганда ҳам сиёсий курашда кучли ғолиб чиқади. АҚШда Конгрессга бўлиб ўтган оралиқ сайловлар ҳам ана шундан далолат бермоқда.

**Қаҳрамон ҚЎЛДОШЕВ**

## НЕЧА ЁШДАН БОШЛАБ ОВОЗ БЕРГАН МАЪҚУЛ?

**Россия думаси депутати Алексей Диденко барча даражадаги сайловлар учун овоз беришнинг энг кам ёшини 16 деб белгилаш ташаббуси билан чиқди ва бу ҳақда махсус қонун лойиҳасини ҳам ишлаб чиқди.**



Диденконинг фикрига кўра, бу ўзгариш ёшларнинг давлат сиёсатида фаол иштирок этишига туртки беради. 16 ёшга тўлмаган ўсмирларнинг онг-тафаккури ҳали сиёсий жиҳатдан шаклланиб улгурмайди, деган фикрларни эса депутат кескин рад этмоқда. Депутатнинг таъкидлашича, бугунги ёшларда катта авлодга нисбатан кўпроқ маълумот бор. Чунки улар турли блоглар, ижтимоий тармоқлар ва сайтларда номзодларни муҳокама қилиш ҳамда ўзларига керакли маълумотларни олиш имкониятга эга. Ваҳоланки, дея алоҳида қайд этиб ўтди Диденко, катта авлод маълумотни фақат газеталардан олади, бизнинг газеталаримизда эса танқидий материаллар деярли учрамайди.

Бундан ташқари, дея ишонч билдиради депутат, 16 ёшдан бошлаб овоз бериш амалиёти сайлов куни сайловчиларнинг иштирокини таъминлайди. Чунки сайловлар одатда сентябрь ойида ўтказилади, бу пайтда кўплаб катта ёшлилар ҳали дам олишда бўлгани ҳолда ёшлар ўқишларини бошлашган бўлишади.

Дарвоқе, эслатиб ўтамиз, Эронда 15 ёшдан бошлаб овоз берилади, Бразилия ва Кубада 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан.

Ғарбда эса манзара ўзгачароқ: балоғат ёши 21 ҳисобланадиган мамлакатларда айнан шу ёшдан бошлаб сайловларда иштирок этилади.

## ЭСТОНИЯДА "ЭЛЕКТРОН ФУҚАРОЛИК" ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Шу йилнинг 1 декабридан бошлаб Эстонияда "электрон резидентлар" (e-residents) тизими иш бошлайди. Бу эса дунёнинг исталган нуқтасида туриб мазкур мамлакатда компания очиш ва ҳужжатларни онлайн шаклида расмийлаштириш имкониятини яратади.**




Мамлакат қонун ижодкорлари якдиллик билан тасдиқлаган бу янгилик, айниқса, хорижлик ишбилармонлар ва талабалар ўртасида катта қизиқиш уйғотиши кутилмоқда.

Режага кўра, 2020 йилга қадар мамлакатда беш мингга яқин электрон резидентга "Рақамли идентификация картаси" берилади. Фақат виртуал оламда фойдаланиш мумкин бўлган мазкур ҳужжат эгасига тақдим этиладиган онлайн-хизматлар ҳақида ҳозирча маълумотлар берилмаяпти. Шунингдек, е-фуқаролик Эстония фуқаролиги ҳуқуқини бермаслиги ҳам маълум.

Шунга қарамасдан, янги ҳужжат олиш учун бир куннинг ўзида 5600 номзод ариза йўллагани хабар қилинмоқда. АҚШ, Канада сингари кўплаб давлатлар эса Эстония тажрибасини диққат билан кузатиб туришибди.

## СТИВЕН ХОКИНГ КАШФИЁТЛАРИНИ FACEBOOKДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Британиялик машҳур назариётчи физик Стивен Хокинг Facebook ижтимоий тармоғида ўз аккунтини рўйхатдан ўтказди. Олим ўз обуначиларига сўнгги кашфиётлари ҳақида маълумотлар беришини билдирган.**




— Мени ҳамиша коинот нима учун мавжуд, деган масала қизиқтириб келган, — дейди С.Хокинг. — Эҳтимол вақт ва макон тушунчаси ҳамиша жумбоқ бўлиб қолар, лекин бу менинг қизиқишимни асло сусайтирмаган. Бугунги кунга келиб одамлар орасида ўзаро мулоқотлар имконияти бениҳоя кенгайди ва бу имкониятдан фойдаланган ҳолда ўз мулоҳазаларимни сизлар билан ўртоқлашишга тайёрман. Ҳамиша қизиқувчан бўлиб қолинг, мен доимо шундай эдим ва шундай бўлиб қоламан.

Эслатиб ўтамиз, замонамизнинг энг машҳур кашфиётчиларидан бўлган Хокинг болалигидан оғир хаста. Шунга қарамасдан, ўз ирода кучи, интилиши ва тафаккури туфайли олим инсоннинг нималарга қодирлигини бутун жаҳонга кўрсата олди.

## ДАНГАСАЛАР УЧУН СМАРТФОН

**MicroBlink копанияси ишлаб чиққан PhotoMath дастури математикадан мисол-масалаларни осонлик билан ўқиб, уларни ечиб ҳам беради.**




Энг асосийси, дастур ечимнинг ўзини бериш билан кифояланмасдан, жараённинг оралиқ босқичларини батафсил кўрсатади ҳам.

Дастур ёрдамида мисол-масалани ечиш учун китоб-дафтарга ёки экранга смартфон камерасини бир неча сония қаратиб туриш кифоя.

**Интернет** хабарлари асосида тайёрланди.

ADOLAT
№ 45
2014-yil
7-noyabr

# Атиргул



**Мушоҳада**

*...Адолатнинг икки бош манбаи мавжудки,*
*биринчидан,*
ҳеч бир кимсага зиён етказмаслик керак ва,
*иккинчидан,*
жамиятга наф келтириш зарур.

**Цицерон,**
қадимги Рим нотиғи ва файласуфи

## Абу Райҳон Беруний ҳикматлари

Одамгарчилиги бор мард киши ўзидан ва ўзиники эканлигига ҳеч ким тортишиб ўтирмайдиган нарсадан бошқасига эгалик қилмайди.

***

Неъматнинг қадри у йўқолгандагина билинади.

***

Одамларнинг тубан даражалиси ҳам ўзидан тубанроқ бўлган бировга эгалик ва раислик қилишдан холи эмас.

***

Ҳар бир янги нарсада лаззат бор.

***

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.

***

Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб ишламай, уядаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайдилар.

***

Тенглик ҳукм сурган жойда соткин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

***

Улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди.

***

Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бўлмайди.

## Бизда ҳам шундай асарлар бор...

### "Сўнгсўзлар"дан

Адашмасам, 1995 йиллари Старсбург шаҳридан келган ўзбек адабиётининг бир француз тадқиқотчиси билан суҳбатлашиб қолдим. Гап ўзбек насри ҳақида кетди.

— Бир зўр асар бор... — деди у муаллифнинг ҳам, китобнинг ҳам номини эслай олмай. — Жуда яхши асар...

У қўлини осмонга чўзиб кўрсатди:

— Баланд...

Унга ёрдам бериб, адибларнинг номини санай бошладим:

— ... Абдулла Қаҳҳор...

Француз қувониб кетди. Мен ҳам беҳад қувондим.

Гап "Ўтмишдан эртаклар" ҳақида экан.

Биз бу қиссадаги эссе-ҳикоялар ҳақида анча гаплашдик.

Шунга ўхшаш яна бир воқеа.

Бундан йигирма йилча аввал поездда бир латиш йигит билан суҳбатлашиб қолдим. Адабиётга қизиқар экан. У ёшлигида бир ўзбек муаллифининг асарини ўқиганини, бу китоб жуда қизиқ эканлигидан гапириб қолди. Аммо на ёзувчининг, на китоб қаҳрамонининг исмини эслай олмади. Мен ёзувчиларимизнинг исму шарифини бир-бир санай бошладим. У "йўқ" дегандай бош чайқар, мен эса навбатдаги ёзувчи исмини овоз чиқариб айтардим.

— ... Худойберди Тўхтабоев... — дедим ниҳоят.

— Во! Во!.. Худди ўзи! — деди латиш қувониб. — Зўр ёзувчи экан!

У шу заҳотиёқ Худойберди аканинг қаҳрамони исмини ҳам топди:

— Хашимджан! — деди баттар қувониб.

— Ҳошимжон! — дедим мен ҳам хурсанд бўлиб ва дарҳол китобнинг номи ҳам ёдимга тушди: — "Сариқ девни миниб"!..

Касбининг адабиётга алоқаси йўқ бир латиш бу китобни эслаганидан кўнглим тоғдай ўсди. Бу китоб орқали ўзбекларни ҳам озми-кўпми билганидан ғурурга тўлдим. Жонкуяр, болалар адабиёти учун куйиб-пишиб юрадиган Худойберди ака учун хурсанд бўлдим. Ўсмир болаларим бу китобни талашиб-тортишиб, ҳаяжонланиб ўқишганини эсладим.

Адабиётда ўзимиздан бошқалар ҳам ўқийдиган китоблар бўлгани қандай яхши!

Ҳа, латиш йигит билан суҳбатдан пайдо бўлган мулоҳазаларни ўша пайтда дўстларга гапириб юрганим эсимда: "Биз ғарб болалар адабиёти классиклари асарларини ўқиганмиз ва уларни мумтоз асарлар сифатида қабул қиламиз. Бизда ҳам шундай асарлар бор. Масалан, Худойберди Тўхтабоев асарлари..."

**Усмон АЗИМ,**
Ўзбекистон Халқ шоири

## Албер Камю: "Менинг ватаним бор: Француз тили"

7 ноябрь – Албер Камю (1913-1960 йиллар) таваллуд топган кун

Эркинлик, бу — ёлғон гапирмаслик ҳуқуқидир.

***

Нега мен санъаткорман, файласуф эмасман? Чунки мен ғоялар орқали эмас, сўзлар воситасида фикрлайман.

***

Ҳаётнинг буюк саволи — одамлар орасида қандай яшаш.

ТРАГЕДИЯ.

Л.: Дунёни қайта яратиш — арзимас вазифа.
С.: Дунёни эмас, одамни қайта яратиш даркор.

***

Фақат образлар орқали тафаккур қилиш мумкин. Агар файласуф бўлишни хоҳласанг, романлар ёз.

***

Камдан-кам одам санъатни англашга қодир.
Ёзиш — миннатсиз юмуш демакдир.

***

XX асрнинг энг кучли эҳтироси — малайликдир.

***

Энг хавфли йўлдан озиш: ҳеч кимга ўхшамаслик.

***

Мен ҳеч нарсадан кўз юммасликни афзал биламан.

***

Ҳамиша ҳақ бўлишга интилиш — ақлнинг тарбия топмаганлиги белгисидир.

***

Ҳа, менинг ватаним бор: француз тили.

**Рус тилидан Маҳмуд САЪДИЙ таржимаси.**

## "Тўйга исроф қилинатургон оқчаларни ўқумоқ йўлиға сарф қилсангиз!.."

### Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Ёшларға мурожаат"и

**➢ Бир аср бурун...**

Бизни Туркистон ва Бухорода бир синф муҳтарам ёшлар мавжуддурки, ҳукумат маҳкамаларинда тижоратхона, бонка ва корхоналарға котиб, таржимон, молфуруш ва даллоллик ёинки насячинлик ила машғулдурлар ва бу синф аҳлининг адади бугун Бухоро ва Туркистонда минглярчадур. Ана ёшларға мурожаатдан мурод шу синф аҳлидан бўлган ҳамватанларимизға бир неча калима арз қилмоқдур. Лутфан сўзимизни тингласалар, деб илтимос қиламиз. Ва камоли эҳтиром ила ул жанобларға баён қилармизки, сизлардан аксарингиз савқи қадар ва ёинки савқи табиат ила бир навъи бўлуб, русча бир оз ўқуб-ёзмоқға ва ёинки фақат сўйламоқға қодир бўлубсиз ва бу озгина замоний билгу сабабидан вазифа олиб, енгиллик ва бир оз рифоҳият ила умр ўткарурсизки, Тангрим зиёда этсун!



Ва сизларни озгина илми замоний билганингиз, албатта, нафъ келтурди ва алҳамдулиллоҳ дини мубинға ҳам яхши муътақидсиз ва бу илмий замоний эътиқодингизни бузмади. Зотан исломият шундай бир дини матин ва қобили тараққийдурки, на қадар илми замоний кўб ўқуса, инсонни яна дини исломға шунча ақидаси мустаҳкам бўлур. Чунончи, илми замоний кўб ўқуғон Оврупо уламоларини(нг) энг номдор ва давлатликларидан мусулмон бўлуб тургонлари жаридахонларға маълумдур. Бас, сабаб бўлдики, илми замоний исломиятға зарар қилмоқ нари турсун фойда этар, энди матлабға келайлук.

Муҳтарам биродарлар! Сиз хидмат қилатургон доираларда сиздан катта ва сиздан оз ишлайдургон ва сизларға иш буюратурғон кишилар борки, сиздан беш, ҳатто, йигирма дафъа зиёда вазифа олур. (Баъзи бонка ва тижоратхоналарда ойинда беш юз сўм, ҳатто минг сўм олатургон кишилар бор ва аларни тижорат мактабиға ўқугони бешолти йилгинадур.) Мунинг сабаби надур? Сизнинг қўл остингизда сиздан кўп ишлайдургон ва қаттиғ хидмат қилатургон ва юк кўтара тургон мусулмон ва ё ўруслар борки, сиздан ҳам оз вазифа олур. Мунинг сабаби надур? Албатта, мунга жавоб берурсизки, бизни устимиздан қарайдургонларни(нг) «илми замоний»си биздан зиёда ва меҳнаткашларни илми бизга ҳам эмас. Мана сабаб шудур. Биз ҳам дермизки, жавобингиз дуруст. Бас, маълум бўлдики, ҳозирги замон ишлариға хоҳ тижорат ва ҳукумат ва санъатхоналарга бўлсун, кириб вазифа олмоқға ва иш қилмоқға илми замоний деган нимарса лозим экан ва ҳар ким бақадар билгуси вазифа олур экан. Бас, сиз муҳтарамлар ҳам ўз авлодингизни ва азиз болалерингизни, агарда хоҳласангизки, сиздан кўра тараққий этса, дин ва миллатға хизмат этса. (Дин ва миллатға хизмат илм ва оқча ила бўлур.) Шу илми замонийни таҳсил қилмоқ учун ҳаракат қилмоғингиз лозимдур. Ҳамватанларимиз мулкини сотиб тўй қилганидек сиз-да, ҳатто, лозим бўлганда мулкингизни сотсангизда ўғлингизни замонча ўқумоқиға саъй қилсангиз. Тўйга исроф қилинатургон оқчаларни ўқумоқ йўлиға сарф қилсангиз! Замонча ўқутмоқ тариқасидан бошқа мақолада арз қилинур.

**«Ойна» журнали,**
1914 йил, 21-сон,
390—391-бетлар.

Reklama o'rnida

## Тадбиркорлик — доимий эътиборда

AGROBANK

**➢ Молия муассасаларида**

Мамлакатимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни имтиёзли кредитлар орқали қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиляпти. Натижада улар давлат иқтисодиётининг муҳим бўғинига айланиб улгурди.



Шофиркон туманидаги "Аслонбобо" фермер хўжалиги жамоаси 108 гектар ерда деҳқончилик қилади.

Мазкур фермер хўжалиги «Агробанк» АТБ Шофиркон туман филиали молиявий кўмагида қишлоқ хўжалиги техникаси сонини яна биттага кўпайтирди. Ҳосилдорликда юқори натижаларни кўзлаган миришкорлар айни кунларда мавжуд техникадан унумли фойдаланиб, шудгорлаш ишларини уюшқоқлик билан амалга оширмоқда. Мазкур фермер хўжалигида 15 киши иш билан таъминланган.

Суратда: *"Аслонбобо" фермер хўжалиги механизатори Алижон Аслонов.*

Мазкур жараёнда молия ташкилотлари — банклар фаол иштирок этиб, ишбилармонларнинг лойиҳаларини амалга оширишда камарбаста бўлмоқда. Жумладан, «Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг Бухоро вилояти бошқармаси фаолиятида ҳам бу жиҳатлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Ушбу молия ташкилоти вилоятда қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат ва бошқа соҳаларни молиялаштириш билан бирга хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали жойларда замонавий кичик ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда қўшимча иш ўринлари ташкил этишга катта эътибор қаратмоқда. Молия муассасаси қишлоқ ҳудудларида кичик ишлаб чиқариш корхоналарини жорий этишга асосий сармояларни йўналтиряпти. Буни жойларда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ҳам эътироф этмоқдалар.

**Баҳромбек Саидов, Қоракўл туманидаги «Баҳромбек Саидов» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор туфайли соҳа ривож олмоқда. Бундан унумли фойдаланаётган юртдошларимиз моддий жиҳатдан фаровонликка эришиш билан бир қаторида қишлоқ ва маҳаллаларимизнинг ободлигига ҳисса қўшишяпти. Мен ҳам ўз мулкимга эга бўлиш учун тадбиркорлик билан шуғулланишга киришдим. Халқимиз орасида паррандачилик етти хазинанинг бири, деган ибора бор. Шу боис, паррандачиликка ихтисослашган масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик. Оиламизда йиғилган маблағ эвазига катта лойиҳани амалга ошира олмаслигимиз аниқ эди. Бизга банкнинг кредити жуда асқотишини билардик. Лойиҳа тузиб, «Агробанк»нинг Қоракўл филиалига мурожаат қилдим. Банк қисқа муддатда лойиҳамизни ўрганиб, бизга 20 миллион сўм миқдоридаги молиявий кўмак беришга розилик билдирди. Ушбу кредит эвазига парранда сотиб олдик. Ҳозирда бу ерда ҳар куни туманимиз аҳолисига 500 донадан зиёд тухум ва парранда гўшти етказиб беріляпти. Кредит олгандан сўнг корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ошиши билан бир қаторда қўшимча иш ўринлари ҳам ташкил этилди. Умуман, тадбиркорлик фаолиятини бошлаганимдан мамнунман. Оиламизнинг фаровон турмушини таъминлашда корхонадан топаётган даромадимиз муҳим ўрин эгаллайди.

**Нилуфар Отамуродова, Ғиждувон туманидаги якка тартибдаги тадбиркор:**

— Биз, аёлларга берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга аҳд қилган эдим. Айниқса, хотин-қизларга тадбиркорлик билан шуғуланиш, ўз хусусий мулкига эга бўлиш ҳуқуқининг берилгани муҳим омил бўлди. Мен ҳам бу имкониятдан фойдаланиб, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик корхона ташкил этдим. Корхона учун зарур техника ва хомашёни сотиб олиш бўйича «Агробанк»нинг Ғиждувон филиалига бизнес-лойиҳамни тақдим этдим. Банк лойиҳага 40 миллион сўм кредит ажратди. Бу иш унумдорлигининг ошишида бизга катта ёрдам бўлди. Айни пайтда бу ерда бир неча турдаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Кредит ҳисобига маҳалламиздан уч киши иш билан таъминланди. Келгусида банкнинг молиявий кўмагида тадбиркорлик фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадларимиз бор.

**Абдуғани СОДИҚОВ**

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Зуҳра БОТИРОВА
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖЎРАЕВ
Муҳаммад АЛИ
Талъат МУРОДОВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Алишер МЎМИНОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *288-46-64* (146);
Қабулхона — *288-42-23*; *288-46-64* (141) факс;
Котибият — *288-46-64* (144).
**Навбатчи муҳаррир** — Илёс САХАТОВ.
**Навбатчи** — Ғуломжон Хидиров.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz / adolat_gazeta@mail.ru**
*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 1100. Адади — 5678
Босишга топшириш вақти — 21.55
Босишга топширилди — 22.30
*Баҳоси келишилган нархда*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5 6